

59
жс - 96
285 04 г

Ш. ЖҮРАЕВ

Динозаврлар ҳалокатининг сири



59

ЖС-96

Ш. ЖУРАЕВ

ДИНОЗАВРЛАР ҲАЛОКАТИНИНГ СИРИ

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ
1983

ОЛДИ

РН Б МПУ ў ССР
www.ziyouz.com kutubxonasi
18504-

28.1
Ж 96

Масъул мұхаррір:
геология-минералогия фанлари кандидати
Н. ИШНАЗАРОВ

Тақрізчиляр:
геология-минералогия фанлари кандидатлари:
Қ. ҚОРАБОЕВ, Р. ОХУНЖОНОВ

Брошюрада 70—75 миллион йил илгари Ер юзасидан бутунлай үйүк бўлиб кетган баҳайбат динозавр қолдиқларининг республика-миз территориясидан кўплаб топилиши, Ерда геологик ўтмишда ҳайвонот дунёсининг тарқалиши ва ривожланиши, динозаврларининг үйүк бўлиб кетиши сабаблари ҳақида фикр юритилади.

Брошюра кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Шерали Джураев

ТАЙНА ГИБЕЛИ ДИНОЗАВРОВ

На узбекском языке

Ташкент, «Фан»

ЎзССР ФА илмий-оммабоп адабиётлар таҳрир ҳайъати томонидан нашрга тасдиқланган

Мұхаррір А. Комилова
Рассом Д. Файзираҳмонов
Техмұхаррір В. Тараҳовиҷ
Корректор Э. Раҳимжонова

ИБ № 1738

Теришга берилди 7.09.83. Босишга рухсат этилди 6.10.83. Р07780. Формати $84 \times 108^{1/2}$. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 2,52. Ҳисоб-нашриёт л. 2,5. Тираж 5175. Заказ 193. Баҳоси 10 т.

ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 700047, Гоголь кўчаси, 70.
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси, Тошкент, М. Горький проспекти, 79.

Ж 2001000000—2206
М 355(04)—83 139—82

© Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1983 й.

СУЗ БОШИ

Фаннинг даргоҳи кенг. Бугунги кунда табиатшунос олимлар қачонлардир табиатда содир бўлган ёки ҳозир содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларнинг сирларини билишда, ўрганишда янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқда. Аммо табиат сирларини синчилаб ўрганган сари унинг бағрида ҳали ҳал қилинмаган кўплаб муаммолар ётганини кўрамиз. Албатта, ҳар бир фанда бўлганидек геология фанида ҳам кўпгина ўзига хос муаммолар бор. Ер қимирлашлар, унинг қаерда, қачон, қандай куч билан содир бўлиш сабаблари, вулқон отилиши, қитъаларнинг пайдо бўлиши, қазилма бойликларнинг тарқалиш қонуниятлари ҳамда ўсимлик ёки ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллиги, вақти-вақти билан уларнинг нобуд бўлиши ва унинг ўрнига бутунлай бошқа хусусиятга эга бўлган мавжудотларнинг пайдо бўлиши каби масалалар кимларни қизиқтирумайди дейсиз.

Ер тарихида шундай даврлар бўлганки, унда асосий ҳукмрон «ҳоқон» динозаврлар бўлиб, улар турларининг турли-туманлиги, гавдасининг баҳайбатлиги билан Ер шарида ўзигача ва ундан кейинги даврларда яшаган ҳайвонлардан ажралиб туради. Динозаврлар 170 миллионлик яшаш тарихида сувда, қуруқликда ҳамда ҳавода ҳукмронлик қилган. Улар бундан 70 миллион йил илгари мезозой ва кайнозой эралари чегарасида Ер юзидан бутунлай йўқ бўлиб кетган. Шуниси қизиқки, уларнинг бирорта вакили кейинги геологик даврга ўтмаган. Шу боисдан геологларни 150—200 йил давомида динозаврларнинг қирилиб кетиш муаммоси қизиқтириб келмоқда. Бу орада юзлаб йирик динозавр қолдиқлари топилди. Үнлаб динозаврларнинг қирилиб кетиш сабабларини ечиб берувчи тахминлар пайдо бўлди.

Ҳозирги кунда динозаврлар қолдиқлари топилган жойлар географияси борган сари кенгайиб бормоқда. Динозаврлар ҳақида қанчалик кўп материал тўпланган сари уларнинг қирилиб кетиш сабабларини очиб берувчи тахминлар ҳам такомиллашиб бормоқда. Шу сабабдан табиатшунос олимларнинг динозаврларни қирилиб кетиш сабабларини изоҳловчи фикрларини ёритиш

дан олдин динозаврлар ҳақидаги баъзи маълумотлар билан китобхонни таништириб ўтамиз.

Динозавр қолдиқлари Америка, Африка, Осиё, Европа, шу жумладан Ўрта Осиё территориясидан ҳам кўплаб топилган ва топилмоқда. Ҳозирги кунда динозаврлар тарихи билан қизиқиш катта тус олган. Шу боисдан динозаврлар ҳаётини бир оз бўлса-да ёритиб бера оладиган топилмалар ҳақидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинади ва шу топилма жойи динозаврлар ҳаёти билан шуғулланувчи олимлар лабораториясига айланади.

Польшада, Италияда, Америкада турли-туман динозавр қолдиқларидан иборат бўлган музейлар мавжуд. Бу музейлар очиқ ҳавода бўлиб, экспонатлар Ер шарининг у ёки бу еридан топилган динозаврларнинг бир бутун скелет ёки пластик, металл ёрдамида ясалган динозавр фигуralаридан иборат.

Хожува шаҳридан истироҳат боғида «Динозаврлар водийси» ташкил қилинган бўлиб, унда Польша-Монгол қўшма палеонтологик экспедициясининг ходимлари томонидан Гоби саҳросидан топилган узунлиги 1—23 метр келадиган 18 та баҳайбат ўтхўр ва йиртқич динозаврларнинг асл гавда қолдиғи экспонат қилиб қўйилган. Очиқ ҳаводаги динозавр музейлари Италияда ҳам мавжуд. Италиянинг Верона шаҳри ҳамда Гарда кӯли ёнида пластиклардан ясалган баҳайбат, қудратли тираназавр, бронтозавр, диплодок, апатазавр, стегозавр каби динозаврлар гавдаси қўйилган. Бу жойлар «динозаврлар мамлакати» деб аталиб, ҳозирги кунда туристлар ва мактаб ўқувчиларининг севимли жойига айланган.

Американинг Флорида штатидаги йўллардан бирида бетон ва пўлат ёрдамида динозаврларнинг йирик гавдаси ясалган бўлиб, у бензин станцияси вазифасини бажаради. Бундан ташқари, Америка Қўшма Штатларининг табиат музейи динозавр ва қадимги геологик даврда яшаган ҳайвонларнинг скелетини ясади. Америка Қўшма Штатларида паркларда, меҳмонхона эшикларида динозавр ва бошқа қадимги геологик даврда яшаган ҳайвонларнинг скелетини кўриш мумкин.

Кейинги йилларда топилган динозавр қолдиқлари орасида АҚШнинг Шото шаҳри яқинидан 1978 йилда топилган «динозавр уяси», Япония оролларидан «динозавр — зауропод» қолдиғи, Аргентинанинг Росарио шаҳри ёнидан «динозавр тухуми» ва Испаниянинг Морельи шаҳридан топилган динозавр қолдиғи диққатга сазовордир.

Шото шаҳри яқинидан топилган 15 та ўрдакбурунли динозавр болалари қолдиғи динозавр қолдиқлари орасида биринчи топилмадир. Бу топилмаларни ўрганган Принетон университети ходимларининг фикрича, динозавр уясининг ёши 70 миллион йилни ташкил қиласди.

Япония ороллари бундан 100 миллион йил илгари Осиё континенти билан бирлашган. Токиодан топилган «динозавр — зауропод» қолдиғи буниинг исботи ҳисобланади. Чунки ҳозирги кунга қадар динозавр қолдиқлари факат континентдан топилган эди.

Росарно деҳқонлари ер ҳайдан пайтида катта юматлоқ тухумга ўхшаш тошни кавлаб чиқарғанлар. Бу тошнинг узунлиғи 1,6 метр бўлиб, диаметри 80 см га тенг бўлган. Топилмани синчиклаб ўрганган олимлар бу тошни динозавр тухуми эканлигини исбот қиласганлар.

Кейинги йилларда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида тоштухум топилган жойда кўплаб динозавр сүяқ қолдиқлари борлиги аниқланди. Замбези республикасидаги Мана Пулз заповедниги териториясида кўплаб динозавр жасадлари топилган ва топилмоқда. Ҳозирги кунда бу топилмалар Замбези дарёсида тӯғон қурилиши натижасида сув остида қолиб кетиш хавфи бор. Шунинг учун бу топилмаларнинг сув босишидан муҳофаза қилиш учун Замбезида «Динозавр операцияси» ўтказилиб, бу операциядан асосий мақсад Мана Пулздаги динозавр жасадларини сақлаб қолишидир. Мана Пулздаги динозавр жасадлари орасида ҳозиргача фанга номаълум бўлган динозавр жасади топилган бўлиб, унга палеонтологлар вулгадон деб ном беришган. Бу ҳайвон планетамиизда бундан 180 миллион йил илгари яшаган бронтозаврларнинг энг қадимги турларидан бирига мансуб бўлган деб тахмин қилинмоқда. Зимбабвелик палеонтологларнинг фикрича, вулгадоннинг узунлиғи 10 метрга яқин, оғирлиги 6 тонна, бўйи эса икки қаватли уй баландлигига бўлган. Дарҳақиқат, динозаврлар ҳақидаги бундай янги маълумотларни кўплаб келтириш мумкин.

ДИНОЗАВР ҚОЛДИҚЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЖОЙЛАНИШИ

Тор, адир ва дарё бўйларига саёҳатга чиқсангиз, у ерда турли-туман рангдаги тошларни учратасиз. Бу ерда метинdek қаттиқ магматик, метаморфик тор жинслари билан бир қаторда, турли қаттиқликдаги ва рангдор чўкинди жинсларни ҳам учратасиз. Бу жинслар гилмоя, қумтош, шағалтош, оҳактош, фосфорит, кўмир, қум ва мергел каби чўкиндилардан иборат. Мана шу чўкинди жинслар орасида кўплаб қадимги ҳайвон ва ўсимлик қолдиқлари учрайди. Бу қолдиқлар ҳозирги кунда бебаҳо тош қўлёзмага айланди. Албатта, бу қолдиқларга доимо «тош қўлёзма» сифатида қаралмаган. Бу қолдиқлар кишиларга азалдан маълум бўлиб, уларнинг гоҳ дарахт баргларига, гоҳ ҳайвон суюкларига, дарё, денгиз чиғаноқларига ўхшашлиги одамларни ҳайратда қолдиради. Бу сирли қолдиқларнинг ер юзига қандай келиб қолганлиги кишиларни қизиқтиради. Баъзи кишилар ўсимлик ва ҳайвонларга ўхшаш қазилма қолдиқларни қотиб қолган «Ер шарбати» деса, бирорлар бу «табиат мўъжизаси» ёки ўз-ўзидан пайдо бўлган деб тахмин қиласидар. Қадимги қолдиқларга бўлган бундай қарашлар XVIII асрнинг ярмига келиб, ўз ўрнини делювиал ёки сув босиши назариясига берди. Бу тахминга кўра қадимги қолдиқлар ер юзини сув босиши натижасида нобуд бўлиб кетган ҳайвон ва ўсимлик қолдиқларидир. Бу қолдиқлар «Ер шарбати» ёки «Табиат мўъжизаси» деб қаралмасдан чиндан ҳам бир замонларда яшаган, ўсган ҳайвон ва ўсимлик қолдиқлари деб баҳоланди. Эндиликда бундай қазилма қолдиқларни йиғиш ва уни ўрганиш иши бошланди. Олимлар ҳозирги замон ҳайвонларини, ўсимликларини топилган қолдиқлар билан солиштириб, йўқ бўлиб кетган организмларнинг яшаш шароитини ўргандилар. Натижада Ер тарихида ҳайвонот олами, ўсимликлар дунёсини бир неча бор ўзгаргани исбот қилинди. Қадимги ҳайвонлар билан ҳозирги замон мавжудотининг фарқи яққол кўрина бошлиди. Текширишлардан организмлар қанчалик қадимий бўлса, уларни ҳозир учрайдиган ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси билан тафовути катта эканлиги аниқланди. Шун-

та кўра, Ернинг ривожланиш тарихи бир неча йирик босқичларга бўлиниб, ҳар бир босқич ўзига хос ҳайвонот ва ўсимликлари билан характерли.

Таркибида динозавр, тимсоҳ, тошбақа ва турли балиқ суяги қолдиқлари учрайдинган тоғ жинслари кўл, денгиз қирғоғи ва дарё ҳавзаларида пайдо бўлган. Бундай ётқизиқлар ер юзига кенг тарқалган бўлиб, уларнинг йирик қатламларини Байкал атрофида, Узоқ Шарқда, Фарбий Сибирь паст текислигига, Монголияда, Японияда, Ҳиндистонда, Америка, Африка қитъаларида триас, юра, бўр даврларида пайдо бўлган ётқизиқлар орасида борлиги аниқланган. Ўрта Осиё территориясида эса динозавр, тимсоҳ, тошбақа ва турли балиқ суяклари бор қатламлар юра (Фаргона водийсининг Тошкўмир, Тожикистоннинг Равот районида), бўр ётқизиқлари билан боғлиқ бўлиб, бу ётқизиқлар асосан Фаргона водийсида, Тошкент чўлларида, Қизилқумда, Қорақалпогистонда ва Қозоғистоннинг баъзи районларида кенг тарқалган.

Геологлар ернинг ривожланиш тарихини бешта этапга бўладилар. Ернинг ривожланиш тарихининг энг қадимги этапи архей деб номланади. Бу этапнинг номи бошқа этапларнинг номидек грек сўзидан олинган бўлиб, ҳаётнинг бошланиши деган маънони билдиради («архео»— бошланғич, «зоо» — ҳаёт). Бу этап катархей билан биргаликда 3 миллиард 600 миллион йил давом этган бўлиб, унинг энг характерли хусусиятларидан бири тоғ жинслари орасида жуда примитив организм қолдиқларининг учрашидир. Бу этапда асосан темирли ва бошқа бактериялар ривожланган. Этап давомида ер юзасида кучли вулқон отилишлар, ер қимирилашлар содир бўлган. Натижада денгиз туви кўтарилган ҳамда йирик тоғ тизмалари юзага келган. Ер бағрида темир, марганец, ванадий каби рудали конлар, нефрит, каолин ҳамда олмос, зумрад, александрит каби қимматбахо тошлар пайдо бўлган.

Протерозой («протос»— биринчи, «эос»— тонг, «зоо» — ҳаёт — илк ҳаёт) этапи билан боғлиқ бўлган тоғ жинслари орасида бир ва кўп ҳужайрали организмлар, сув ўтлари, турли бактериялар, примитив брахиоподлар, кораллар, археоциатсимонлар, чувалчанг қолдиқлари учрайди. Тоғлар ҳосил бўлган. Тоғ жинслари асосан магматик, метаморфик жинслардан иборат бўлиб, унда архей этапидагидек қазилма бойликлар кўп бўлган. Протерозой этапи 1 миллиард 300 миллион йил давом этган.

ДИНОЗАВР ҚОЛДИҚЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЖОЙЛАНИШИ

Тоғ, адир ва дарё бўйларига саёҳатга чиқсангиз, у ерда турли-туман рангдаги тошларни учратасиз. Бу ерда метиндеқ қаттиқ магматик, метаморфик тоғ жинслари билан бир қаторда, турли қаттиқликдаги ва рангдор чўкинди жинсларни ҳам учратасиз. Бу жинслар гилмоя, қумтош, шағалтош, оҳактош, фосфорит, кўмир, қум ва мергел каби чўкиндилардан иборат. Мана шу чўкинди жинслар орасида кўплаб қадимги ҳайвон ва ўсимлик қолдиқлари учрайди. Бу қолдиқлар ҳозирги кунда бебаҳо тош қўлёзмага айланди. Албатта, бу қолдиқларга доимо «тош қўлёзма» сифатида қаралмаган. Бу қолдиқлар кишиларга азалдан маълум бўлиб, уларнинг гоҳ дарахт баргларига, гоҳ ҳайвон сүякларига, дарё, денгиз чиғаноқларига ўхшашлиги одамларни ҳайратда қолдиради. Бу сирли қолдиқларнинг ер юзига қандай келиб қолганлиги кишиларни қизиқтиради. Баъзи кишилар ўсимлик ва ҳайвонларга ўхшаш қазилма қолдиқларни қотиб қолган «Ер шарбати» деса, бирорлар бу «табиат мўъжизаси» ёки ўз-ўзидан пайдо бўлган деб тахмин қиласидилар. Қадимги қолдиқларга бўлган бундай қарашлар XVIII асрнинг ярмига келиб, ўз ўрнини делювиал ёки сув босиши назариясига берди. Бу тахминга кўра қадимги қолдиқлар ер юзини сув босиши натижасида нобуд бўлиб кетган ҳайвон ва ўсимлик қолдиқларидир. Бу қолдиқлар «Ер шарбати» ёки «Табиат мўъжизаси» деб қаралмасдан чиндан ҳам бир замонларда яшаган, ўсган ҳайвон ва ўсимлик қолдиқлари деб баҳоланди. Эндилика бундай қазилма қолдиқларни йифиш ва уни ўрганиш иши бошланди. Олимлар ҳозирги замон ҳайвонларини, ўсимликларини топилган қолдиқлар билан солиштириб, йўқ бўлиб кетган организмларнинг яшаш шароитини ўргандилар. Натижада Ер тарихида ҳайвонот олами, ўсимликлар дунёсини бир неча бор ўзгаргани исбот қилинди. Қадимги ҳайвонлар билан ҳозирги замон мавжудотининг фарқи яққол кўрина бошлади. Текширишлардан организмлар қанчалик қадимий бўлса, уларни ҳозир учрайдиган ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси билан тафовути катта эканлиги аниқланди. Шун-

га кўра, Ернинг ривожланиш тарихи бир неча йирик босқичларга булиниб, ҳар бир босқич ўзига хос ҳайвонот ва ўсимликлари билан характерли.

Таркибида динозавр, тимсоҳ, тошбақа ва турли балиқ суюги қолдиқлари учрайдиган тоғ жинслари кўл, денгиз қирғоғи ва дарё ҳавзаларида пайдо бўлган. Бундай ётқизиқлар ер юзига кенг тарқалган булиб, уларнинг йирик қатламларини Байкал атрофида, Узоқ Шарқда, Фарбий Сибирь паст текислигидаги, Монголияда, Японияда, Ҳиндистонда, Америка, Африка қитъаларида триас, юра, бўр даврларида пайдо бўлган ётқизиқлар орасида борлиги аниқланган. Ўрта Осиё территориясида эса динозавр, тимсоҳ, тошбақа ва турли балиқ суюклари бор қатламлар юра (Фарғона водийсининг Тошкўмир, Тожикистоннинг Равот районида), бўр ётқизиқлари билан боғлиқ булиб, бу ётқизиқлар асосан Фарғона водийсида, Тошкент чўлларида, Қизилқумда, Қорақалпоғистонда ва Қозоғистоннинг баъзи районларида кенг тарқалган.

Геологлар ернинг ривожланиш тарихини бешта этапга бўладилар. Ернинг ривожланиш тарихининг энг қадимги этапи архей деб номланади. Бу этапнинг номи бошқа этапларнинг номидек грек сўзидан олинган бўлиб, ҳаётнинг бошланиши деган маънони билдиради («архео»— бошланғич, «зоо»— ҳаёт). Бу этап катархей билан биргаликда 3 миллиард 600 миллион йил давом этган бўлиб, унинг энг характерли хусусиятларидан бири тоғ жинслари орасида жуда примитив организм қолдиқларининг учрашидир. Бу этапда асосан темирли ва бошқа бактериялар ривожланган. Этап давомида ер юзасида кучли вулқон отилишлар, ер қимирлашлар содир бўлган. Натижада денгиз туви кўтарилиган ҳамда йирик тоғ тизмалари юзага келган. Ер бағрида темир, марганец, ванадий каби рудали конлар, нефрит, каолин ҳамда олмос, зумрад, александрит каби қимматбахо тошлар пайдо бўлган.

Протерозой («протос»— биринчи, «эос»— тонг, «зоо»— ҳаёт — илк ҳаёт) этапи билан боғлиқ бўлган тоғ жинслари орасида бир ва кўп ҳужайрали организмлар, сув ўтлари, турли бактериялар, примитив брахиоподлар, кораллар, археоциатсимонлар, чувалчанг қолдиқлари учрайди. Тоғлар ҳосил бўлган. Тоғ жинслари асосан магматик, метаморфик жинслардан иборат бўлиб, унда архей этапидагидек қазилма бойликлар кўп бўлган. Протерозой этапи 1 миллиард 300 миллион йил давом этган.

Ерда ҳаётнинг асосий босқичлари

Эра	Давр	Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг қисқача характеристикаси	Абсолют ёши (млн йил ҳисобида)
Мезозой (Ўрта ҳаёт)	Антропоген	Одамнинг пайдо булиши ва ривожланиши, сутэмизувчилар, денгиз ва дарёларда яшовчи чиганоқлар, кораллар, денгиз тилтратиканлари, фораминиферлар, гулли ўсимликлар.	0—2
	Неоген	Сутэмизувчилар, одамсимон маймунларнинг пайдо булиши ва ривожланиши, судралиб юрувчилар, умуртқасизлар (пелециподлар, гастраподлар ва бошқалар), гулли ўсимликлар.	23,5
	Падеоген	Судралиб юрувчилар яшаган ва ҳалокатга учраган кичик сутэмизувчилар, суякли балиқлар, қушлар, йиртқич ҳайвонлар, кораллар, китсимонлар, хартумиллар, гулли ўсимликлар.	42,5
Бўр		Даврнинг охирида динозаврлар ҳалокати учрайди. Қушлар ривожланади. Даврнинг урталарида қалқонли, шохли ва ўрдакбурунли динозаврлар пайдо булган. Даврнинг бошида игуанодон ва стегозаврлар ҳалок бўлган. Ёни уруғли ўсимликлар пайдо бўлган.	70,0
Юра		Қушлар пайдо бўлган. Кичик сутэмизувчилар ривожланган. Биринчи гулли ўсимликлар пайдо бўлган. Тимсоҳлар пайдо бўлган. Динозаврлар кенг тарақкӣ қилган (йиртқичлар, зауроподлар, стегозаврлар). Учуви калтакесаклар ривожланган.	58,0
		Сувда ихтиозавр ва плезиозаврлар ривожланган.	
		Очиқ уруғли ўсимликлар кенг тарқалган. Капалаклар пайдо бўлган.	
Триас		Сутэмизувчилар пайдо бўла бошлиган. Ерда, сувда, ҳавода судралиб юрувчилар, динозаврлар, тошбақалар пайдо бўлган. Сувда, қуруқликда юрувчи стегоцефаллар ҳалокатга учраган.	35,0
Перм		Амфибийлар, примитив судралиб юрувчилар. Умуртқасиз ҳайвоилар (брахиоподлар, пелециподлар), очиқ уруғли ўсимликлар. Трилобитлар (умуртқасиз) ҳалокатга учраган.	

Эра	Давр	Ҳайвонот ва ўсимліклар дүнёсінинг қисқача характеристикаси	Абсолют ёши (млн йил ҳисобда)
Палеозой (Қадимги ҳаёт)	Карбон	Акуласимон балиқлар. Брахиопадлар, папоротниклар, амфибийлар, биринчи сұдрагиб юрувчилар, стегоцефаллар кенг тарқалған.	65
	Девон	Биринчи қуруқликда юрувчи стегоцефаллар пайдо бўлған. Папоротниксимвонлар ривожланған. Балиқларнинг асосий группаси пайдо бўлған. Псилофитлар.	55
	Силур	Балиқлар, брахиоподлар, кораллар. Сув ўтлари. Биринчи қуруқлик ўсимліклари	35
	Ордовик	Чиёнлар, трилобитлар, брахиопод сув ўтлари, гастраподлар, граптолитлар. Умуманы, умуртқасиз ҳайвонлар ҳукмронлик қилған.	65
	Кембрий	Археоциатлар, хиолитлар, брахиоподлар, игнатанлилар, трилобитлар, турлитуман сув ўтлари. Биринчи қуруқлик ўсимліклари — папоротниклар.	70
		Примитив брахиоподлар, коралсимвонлар, археоциатсимвонлар, чувалчанглар, сув ўтлари. Бир ҳужайрали ва кўп ҳужайрали сув ўтлари. Биринчи умуртқасиз (жуда кам учрайди) ҳайвонлар. Бактериялар кўплаб учрайди.	1300
		Примитив бир ҳужайрали организмлар. Темир ва бошқа турдаги бактериялар.	800
		Биринчи примитив организмлар. Ер қобиги пайдо бўлған.	2800—3000

Протерозойдан кейин 350 млн йил давом этган палеозой эраси бошланған («палейос»— қадимги, «зоо»— ҳаёт, қадимги ҳаёт). Бу этап организмга бой бўлиб, олти даврга бўлинади. Биринчи уч даврда (кембрий, ордовик, силур) планетамизда каледон деб номланған йирик тоғ пайдо бўлиш жараёни давом этган. Бу ҳа-

ракатлар Ер юзасини ўзгартириб юборган. Материклар, океанлар чегараси ўзгарган. Силурнинг охирига келиб Саён, Олтой, Тяньшань, Урал каби тоғлар юзага келган. Тоғ жинслари эса темир, хром, олтин, фосфорит, нефта бой қатламлардан иборат бўлган.

Палеозойнинг кейинги уч даври (девон, карбон, пермь) ётқизиқлари орасидан топилган организм ва ўсимлик қолдиқларининг тобора мукаммаллашиб борганини кўрамиз. Ҳар бир давр учун ўзига хос ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бўлган. Девон даври кўмир, нефть ва газга бой. Қуруқлик ўсимликлари пайдо бўла бошлаган. Карбон даврига келиб, ўсимликлар қуруқликда тез ривожланган. Умуртқасиз организмлар билан бир қаторда, умуртқали ҳайвонлар ҳам ривожлана бошланган. Пермь даври палеозой ва мезозой этапининг чегараси бўлиб, янги тоғ ҳосил қилувчи процесс билан туғалланган. Ер юзаси бутунлай ўзгариб кетган.

Пермь давридан кейин динозаврлар ҳукмронлик қилган мезозой (Ўрта ҳаёт) этапи бошланган. Бу этапда Ер юзасидаги ўсимликлар дунёси ҳам, тирик организмлар ҳам бутунлай ўзгариб кетади. Мезозой этапи 170 млн йил давом этган триас, юра, бўр даврларига бўлинади. Ҳар бир даврнинг охирида йирик тоғ пайдо қилиш процесси содир бўлган. Тоғ пайдо қилиш процесси киммерий тоғ пайдо қилиш процесси деб юритилади. Бу этапда Анд, Кардильер, Колима тоғ системалари пайдо бўлган; Альп, Кавказ, Қрим, Қарпат тоғ тизмалари эндигина юзага кела бошлаган. Катта ёриқлар пайдо бўлган. Натижада палеозой қуруқлиги турли қисмларга бўлиниб, оралиғида ҳосил бўлган чуқурликларда Тинч, Атлантика ва Ҳинд океанлари суви тўплана бошлаган. Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ҳозирги замон ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига яқин турган ва қолдиқлар яхши сақланган. Шу сабабдан Ўрта ҳаёт — мезозой хақидаги далиллар бошқа давр маълумотларидан кенг кўламлиги билан ажralиб туради. Мезозой этапида, юра ва бўр даврида ҳосил бўлган чўкиниди тоғ жинслари таркибидаги қазилма бойликлар йириклиги ва ранг-баранглиги билан ажralиб турарди. Бу қатламлар орасидан темир, нефть, боксит, фосфорит, туз, уран, марганец ва мис каби маъданларнинг йирик конлари топилган.

Кейинги этап кайнозой янги ҳаёт бўлиб, 140 миллион йил аввал бошланган. Бу этапнинг охирида Ер юзасида биз ҳозир кўриб турган ландшафт юзага келган.

Ер юзида қарийб 170 миллион йил яшаган динозаврлар мезозой эрасининг охири ва 70 миллион йил давом этган бўр даврига келиб сувда, қуруқликда, ҳавода



1 расм. Игуанодон

хукмронлик қилган. Динозаврларни ер шарининг турли жойларидан топилган гавдасининг узунлиги (30 метр) ва шу узунликка мослаб тахмин қилинган оғирлиги

Текодонтлар


 (ұтхұр ва йиртқыч)

Калтакесаксимонлар

 2 Тереподлар (йиртқыч)

 3 Зууроподсимонлар (ұтхұр)

 4 Зууроподлар (ұтхұр)




Күшсимонлар

 5 Орнитоподлар (ұтхұр)


 6 Анкилозаврлар (ұтхұр)

 7 Цератоподлар (ұтхұр)




2-расм. Динозаврлар.

Компсогнатус,
0,9М, 7кг



ЮРА ДАВРИ 180-135 МЛН. ЙИЛ ИЛГАРИ



(50 тонна) уларнинг баҳайбат, қўрқинчли махлуқ эканлигини кўрсатиб турибди. Ҳозирги замоннинг қуруқликдаги энг йирик ҳайвони — филнинг оғирлиги 4,5 тонна, бўйи 3,5 метрга етади.

Америка Қўшма Штатлари, Канада, Шарқий Африка, Монголия, Хитой, Ҳиндистон, Австралия, Европа мамлакатлари территорияларида топилган қолдиқлар турли геологик даврда яшаган динозаврларнинг қисман бутун сақланиб қолган сүяқ қолдиқлари, тухуми, из ва жуда камдан-кам учрайдиган тирноқ қолдиқларидан иборат. Бу қолдиқларнинг ҳаммаси бир ерда учрайди. Аммо динозавр қолдиқлари топилган жойда тимсоҳ, балиқ, тошбақа ва шу каби ўша даврда яшаган ҳайвонларнинг турли-туман қолдиқлари кўплаб учраши мумкин. Бундай жойлар қадимги геологик даврда яшаган ҳайвонлар «мозори» топилмалари Ўрта Осиё ва унга ёндош территориялардан ҳам кўплаб топилган. Бунга Тўрғай текислиги, Қизилқум, Тошкент, Фарғона водийси, Хисор ва Қорақалпоғистон территориясидан топилган сүяқ, из ва тирноқ қолдиқлари мисол бўла олади.

Ўрта Осиё ва унга ёндош бўлган территориялардан топилган динозаврлар тўғрисида сўз юритишдан олдин динозаврлар ва уларни ўрганиш тарихи ҳақида қисқача маълумот бериб ўтамиз. Монголиянинг Гоби саҳро-сидаги кўплаб динозавр «мозор»ларини, шунингдек, СССР ва Ўрта Осиё территориясидан топилган динозавр қолдиқларини қидиришда қатнашган ва уларни мукаммал ўргангандан атоқли совет палеонтологи Анатолий Константинович Рождественскийнинг ёзишича, биринчи бор динозаврларни ўрганиш ўтган асрнинг йигирманчи йилларида Англияда топилган қушоёқли динозаврлар туркумига кирувчи — игуанодон қолдиғидан бошланган. Ушбу топилмани бундан 140 йил бурун Англия палеонтологи Ричард Оуэн динозавр, яъни баҳайбат, қўрқинчли судралувчи деб номлаган. Шундан бошлаб мезозой даврида яшаган бундай баҳайбат судралиб юрувчиларни динозавр деб юритиб келинмоқда.

Палеонтологларнинг фикрича, динозаврлар текодонтлардан — чуқур тишли судралиб юрувчилардан келиб чиқсан. Текодонтлардан уч шажара ажralиб чиқиб тимсоҳ, динозавр ва қанотли калтакесакларни ташкил қилган. Динозавр ўз тузилишига кўра иккига — калтакесаксимон ва қушсимон динозаврларга бўлинади. Улар йиртқич (цератозавр, тираназавр — тиран, тарбозавр — босқинч, карнозавр — пичноқ тишли ва ҳоказо), ўтхўр

(орнитопод — қүшоёқли, зауропод — фавбос, цератопс — қалқонли ёки шохли, анкилозавр — танк ёки қалқонли, ўрдакбурунли, птеродактилия — учар калтакесак, стегозавр — қоплама гавдали) динозаврларга бўлинади. Калтакесаксимон динозаврларга кирувчи диплодок, зауроподлар жуда ҳам баҳайбат бўлиб, уларнинг узунлиги 30 метр, оғирлиги 50 тонна. Шу группага кирувчи йиртқич динозаврлар катталиги жиҳатидан ўзларининг ўтхўр группадошлиаридан қолишмаган. Уларнинг узунлиги 14 метргача бориб етган.

Палеонтолог олимларнинг олиб борган илмий тадқиқотларига кўра, калтакесаксимон динозаврлар бундан 210 миллион йил илгари триас даврининг ўрталарида пайдо бўлиб, бўр даврининг охирида (70 миллион йил илгари) Ер юзидан бутунлай йўқ бўлиб кетган.

Қушсимон динозаврлар (орнитопод, цератопс, анкилозавр, стегозавр, игуанодон, птеродактилия) калтакесаксимон динозаврлардан кейин геологиянинг юра (бундан 170—190 миллион йил илгари) даврида пайдо бўлиб, калтакесаксимон динозаврлар сингари бўр даврининг охирида бутунлай йўқ бўлиб кетган.

Қушсимон динозаврлар ўтхўр бўлиб, калтакесаксимон динозаврлардан анча кичик. Уларнинг гавдаси қалқон ёки бошқа қаттиқ суюк ва шохлар билан қопланмаган. Қүшоёқли игуанодон ҳамда ўрдакбурунли динозаврлар қуруқликда ва унча чуқур бўлмаган сув ҳавзаларида яшаган. Қушсимон динозаврларга кирувчи стегозавр, анкилозавр ва цератопслар тўрт оёқли бўлиб, уларнинг гавдаси маҳсус қалқон ва шохлар билан қопланган бўлиб, қуруқликда яшаган. Шуни ҳам айтиш керакки, юқорида номлари келтирилган динозаврлар ҳозирги кунда фанда маълум бўлган тарихий динозаврларнинг фақат кичик бир қисми бўлиб, улар у ёки бу турга мансуб бўлган динозаврлар вакили ҳисобланади. Булардан ташқари, бир қанча турли-туман катта-кичик динозаврлар бўлиб, удар тоцилган жойнинг номи ёки ҳаёт кечириш шаронти ва ҳоказо хусусиятларга қараб номланган. Масалан, Фарғонадан топилган Зауропод «фарғоназавр», Тошкент атрофидан топилган ўрдакбурунли йиртқич динозаврга «тошкентозавр», Орол денгизи бўйидан топилган қолдиқни эса «оролозавр» деб аташган.

Шундай қилиб, триас (буидан 240 миллион йил илгари) даври бошларида текодонтлардан ажralиб чиқкан динозаврлар 170 миллион йил давом этган триас, юра, бўр геологик даврларда яшаб, 70 миллион йил

илгари ер юзидан бутунлай йўқ бўлиб кетган. Улар бўр даврига келиб сони, йириклиги жиҳатидан сувда, қуруқликда, ҳавода ягона ҳукмрон махлуқ бўлган. А. К. Рождественскийнинг фикрича динозаврларнинг ривожланиш тарихида энг қулай геологик вақт юқори триас, юқори юра ва юқори бўр даврлари бўлган. Улар оралиғидаги даврларда пайдо бўлган чўкиндилар ичдан динозавр



З расм. Зауропод

қолдиқлари жуда кам топилган. Олимнинг фикрича, юқори триас калтакесаксимон динозаврларнинг такомиллашган, қушсимон динозаврларни эса пайдо бўла бошлаган даври ҳисобланади. Бу даврга онд динозаврларнинг йирик топилмалари Жанубий Хитой, Жанубий Африка, Жанубий Америка ва Фарбий Европада жойлашгандир. Бу ердаги топилмаларда кўплаб йиртқич динозаврлар целурозавр, карнозавр қолдиқлари ҳамда зауроподсимон динозавр қолдиқлари борлиги аниқланган. Шунингдек, Жанубий Африкадаги динозавр суюк қолдиқлари орасидан қушсимон динозаврлар суюги топилган. Юқори триасдан то юқори юрагача бўлган давр 40—50 миллион йил орасида планетамиз-

нинг ҳеч бир жойидан динозаврлар ҳақида айтарлик маълумотлар олини мади. Бу даврда зауроподсимонлар ўлиб, унинг ўрнига баҳайбат зауроподлар вужудга келган. Уларниң қолдиқлари Шарқий Африка, Америка Құшма Штатлари территорияларидаги юқори юра даври ётқизиқлари орасидан күплаб топилған. Шунингдек, зауроподлар қолдиги Марказий Хитой, Фарбий Европа, Жанубий Америка, Австралия ва Ўзбекистондан ҳам топилған. Бу ерлардаги динозавр сүяқ қолдиқлари орасида зауроподдан ташқари карназавр, орнипод, стегозавр қолдиқлари борлиги аниқланған. Динозаврларниң кеіннеги турларининг сүяқ қолдиқлари қуйи бүр даври ётқизиқлари орасидан топилғап. Аммо бу топилмалар жуда кам булиб, улардаги сүяқ қолдиқлари сон ва сифат жиҳатидан унчалик йирик бўлмаган тўпламларни ташкил қиласди.

Динозаврларниң ривожланишида энг сўнгги босқич юқори бүр даврининг иккинчи ярмига тўғри келади. Шу даврда пайдо бўлган континентал ётқизиқлар орасида динозаврларниң күплаб турларига мансуб бўлган сүяқ қолдиқлари учрайди. Бу қолдиқлар Америка Құшма Штатлари, Канада, Монголия, Хитой, Қозоғистон, Сибирь, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон территорияларидан топилған. Ушбу жойлардаги топилған сүяқ қолдиқларини диққат билан ўрганган олимлар юқори бүр даврига онд динозавр қолдиқлари ичидә зауропод сүякларининг камлигини, стегозавр, игуанодон сүякларининг анкилозавр, цератопс, ўрдакбурунли динозавр ва баҳайбат карнозаврларниң сүяқ қолдиқлари ёки бутун сақланиб қолган гавдасидан иборат қолдиқ эканлигини аниқладилар. Кейинги динозаврлар мезозой эраси билан кайнозой эраси чегарасида бутунлай ер юзасидан йўқолиб, ўз ўрнини мураккаб организмга эга бўлган сутемизувчи ва бошқа ҳайвонларга бўшатиб беради.

ҮРТА ОСИЕ ВА ҚОЗОҒИСТОН ДИНОЗАВРЛАРИГА ОИД ТОПИЛМАЛАР


Англия палеонтологи Ричард Оуэн бошлаб берган динозаврлар қолдиқларини ўрганиш ва шу қолдиқларни қидириб топиш ишлари жаҳон бўйлаб авж олиб кетди. Натижада Шимолий Америка, Шарқий Африка, Монголия, Бельгияда динозавр қолдиқларига бой жойлар топилди. Бу топилмаларни ўрганишда Американинг машҳур палеонтологлари Д. Лейди, Э. Қоп, О. Марш, Р. Лалл, Г. Осборн, Ч. Гилмор, Б. Броун, бельгиялик палеонтолог Луи Долло, совет олимлари—И. А. Ефре-

мов, А. Н. Рябинин, Л. К. Чабуния, Р. Барсбольд, Ю. И. Воронин, Е. Н. Курочкин, Н. Н. Каландадзе, А. К. Рождественский каби палеонтологларнинг хизмати катта. Ҳозирги кунда динозаврларнинг ривожланиш тарихи Канада, Франция, Англия, Польша, Монголия олимлари томонидан ҳам қунт билан ўрганилмоқда.

Юра ва бўр даврига онд ётқизиқлар орасидан кўп-лаб динозаврлар қолдиғи топилди. Илмий текширишлар натижасида Монголиянинг Гоби саҳросидаги бўр даври континентал тоғ жинслари динозавр қолдиқларига жуда бой экалигини кўрсатди. Геологларнинг олиб борган текширишларига кўра, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг баъзи районларидағи бўр ётқизиқлари худди Гоби саҳросидаги бўр чўкиндиларига ўхшаш бир хил геоло-

гик ривожланишга эга. Шу сабабдан Ўрта Осиё ва Қозоғистон территориясидан ҳам динозаврлар тарихига онд топилмаларни қидириш авж олди.

Г. Д. Романовский 1882 йили Ҳисор тоғининг Яғноб дарёси бўйидаги ўрта юра даврида (бундан 170 миллион йил



4-расм. Турли группага кирувчи динозаврларнинг из қолдиқларидан намуналар:

А — Равотдаги юра; *Б* — Шимолий Америкадаги юра; *В* — Англияниң Бельз; *Г* — Жазорининг бўр; *Д* — Грузияниң Сатаплия тепалигигидағи бўр ўтқизиқлари орасидан топилган динозавр излари.

илгари) пайдо бўлган тошкўмир кони атрофидаги қумтош қатламишининг устидан динозаврларнинг бир қанча изини топган. Бу излар уч панжали йиртқич динозаврларники бўлиб, ўша даврда эиг иодир тошилмалардан бири ҳисобланган.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин СССР шунингдек, Ўрта Осиё динозавр қолдиғини систематик равишда ўрганиш бўйича маҳсус қидирув экспедициялари ташкил қилинди. Дала экспедицияларига А. Н. Рябинин, И. А. Ефремов, А. К. Рождественский, И. М. Клебанова, И. И. Лихачев, М. М. Брагин каби палеонтологлар актив қатнашган. Булардан ташқари,

динозавр қолдиқларини топиш, ўрганишда Тошкент Давлат университетининг доценти Г. А. Беленъкий, Е. А. Кочнев, Г. Г. Мартинсон, Н. Н. Верзилин, Л. А. Несов ва бошқа бир қатор республикамиз геологларининг ҳам хизмати катта. А. Н. Рябинин ва И. А. Ефремовлар томонидан олиб борилган экспедицион қидирув ишлари натижасида Ўрта Осиё ва Қозогистон терриориясининг бир қанча жойларида, Орол дengизи атрофи, Қизилқумда динозаврларниң сүяқ қолдиқлари борлигини аниқладилар. Бу жойларда топилган динозавр қолдиқлари тартибсиз ётган турли сүяклардан иборат бўлиб, илмий аҳамиятга эга эмас. Аммо ўша йиллари топилган ўрдаксимон динозаврнинг бош суюги (уни А. Н. Рябинин Амударёнинг эски номи шарафига Яксартозавр деб атаган) динозаврнинг тұлиқ, бузилмаган скелетини топишга умид боғлаган. Шундан кейин 1957 йили Е. И. Беляева, А. К. Рождественский, Б. А. Трофимовлар томонидан Қозогистоннинг Шоҳ-Шоҳ баландлигидан динозавр турли сүякларининг кўплаб топилиши, сүякларнинг биринчидан туб ўрнида ётиши, иккинчидан сүяклар орасидан ўрдакбурунли динозаврнинг (оролозавр) бош суюги ҳамда ўша даврда яшаган тошбақа, тимсоҳ, балиқ қолдиқларининг топилиши шу районлардаги бўр даври ётқизиқларидан динозавр қолдиқларини қидириб топиш мумкинлигини кўрсатиб берди. 1958 йили А. К. Рождественский Марказий Қизилқумнинг Итемир районидаги юқори турон (бундан 110 млн йил илгари ўтган геологик давр) қумлари, қумтошлари, шағалтошлари орасидан бир қанча сүяқ қолдиқларини топган. Топилган сүяклар балиқ тангачалари, умуртқаси, тиши, тошбақа ва тимсоҳларнинг турли сүяқ қолдиқларидан ташқари ўрдакбурунли динозавр, карнозавр, анкилазавр, шохли динозаврлар турли сүяқ қолдиқларидан бўлган шағалтошдан иборат қатламда дараҳт барглари қолдиқлари ҳамда ўрдаксимон динозаврнинг бош суюги ва цератопс сүяқ қолдиқлари борлиги аниқланган.

1961 йили Г. А. Баленъкий ва Тошкент Давлат университети студентлари томонидан Тошкентнинг шимолидаги чуллардан топилган ҳамда Тошкент ўрдакбурунли динозаври деб номланган қолдиқ Ўрта Осиё ва Қозогистон юқори бўр даври ётқизиқлари орасидан шу кунгача топилган динозаврнинг шикастланмай сақланиб қолган ягона намунасидир. Шунингдек, Сариёғоч, Зайсан атрофидаги районларда ҳам динозаврнинг турли қолдиқлари топилди. Қидириш ишлари яхши йўлга қў-

йилган сайни янгидан-янги ютуқларни қўлга киритаётган совет налеонтологлари динозавр қолдиқларининг қидириш майдонини тобора кенгайтириб бордилар. Улар бу баҳайбат ҳайвон қолдиқларини Фарғона водийсининг юра ҳамда бўр даври чўкиндилари орасидан қидира бошладилар. Г. Г. Мартинсон Фарғонанинг Гулчи, Консой районларида, Н. Н. Верзилии эса Тошкўмир районида динозавр қолдиқлари борлигини аниқлади. Фарғона водийсидаги юра ва бўр даврига оид чўкиндиларни 1963—1967 йилларда А. К. Рождественский, И. И. Лихачев, М. М. Брагин ва бошқа ходимлари билан биргаликда диққат билан ўрганиб чиқдилар. Натижада Қурама тогининг жанубий ёнбағрида жойлашган Консой районида кенг тарқалган юқори бўр ётқизиқлари орасида суякли қатлам борлиги аниқланди. Бу қатламнинг Консойдаги кесмаси кўп миқдорда учрайдиган динозавр суякларидан ташқари тошбақа суякларига энг бой жой ҳисобланади. Шунингдек, балиқ, акула ҳамда тимсоҳ суяк қолдиқлари борлиги аниқланган. Бу топилмалар динозавр, тимсоҳ, акула, тошбақаларнинг қадимги геологик даврда планетамизда тарқалиш географиясини, миграция йўлини ҳамда эволюцион ривожланиши тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Аммо Фарғона водийсида беш йил давомида олиб борилган машиқатли қидириув ишларининг натижаси сифатида Тошкўмир кони яқинидан топилган ва Совет Иттифоқида ягона ҳисобланган зауроподининг тўлиқ скелетини кўреатиш мумкин. Бу скелет ўзининг яхши сақланганлиги, катталиги, қадимилиги жиҳатидан фанда алоҳида ўринни эгаллайди.

Нихоят, энг сўнгги нодир топилма динозавр қолдиқлари орасида камдан-кам учрайдиган, узунилиги 12—15 сантиметр келадиган динозавр тирноғи бўлиб, 1975 йилда Қорақалпоғистоннинг Хўжакўл районидаги юқори бўр чўкиндилари орасидан топилган.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистон, шунингдек, Ўзбекистонда кўплаб динозаврлар «мозори» мавжуд. Бу «мозор»лардаги суяк қолдиқлар фақат динозаврга оид бўлмасдан, балки қадимги геологик даврда яшаган тошбақа, балиқ, акула, тимсоҳ каби ҳайвон қолдиқларидан иборат. Албатта, бундай қолдиқлар ва шу қолдиқлар топилган жойлар фан учун катта аҳамиятга эга. Аммо Ўрта Осиёдан топилган барча қолдиқлар ҳақида батафсил ҳикоя қилиш имкониятига эга эмасмиз. Шунинг учун динозавр изи, Тошкентнинг ўрдакбурусли динозаври, Тошкўмирнинг зауроподи ва

ниҳоят Қорақалпоғистондан топилган динозавр тирноғи ва улар билан боғлиқ бўлган бошқа ҳайвон сүяк қолдиқлари ва шу жойларнинг геологияси ҳақида бир оз тўхталиб ўтамиз.

НОДИР ТОПИЛМАЛАР

Динозавр излари қолдиги. Динозавр излари табиятда камдан-кам учрайдиган топилмалардан бири ҳисобланади. СССРда турли геологик даврда яшаган динозаврларнинг излари топилган бўлиб, уларнинг иккитаси Тоҷикистонда, учинчisi эса Грузиянинг Кутаиси шаҳридан 7 километр шимоли-ғарбда жойлашган Сатаплия тепалигига жойлашгандир. Бу изларнинг энг қадимгиси Ўрта Осиё территориясидан топилган, 1882 йили Г. Д. Романовский Ҳисор тогининг Тоҷикистон қисмидаги 3000 метр баландликда жойлашган Аизоб довони яқинидаги Ягноб, дарёси бўйидан (Рават кўмир кони атрофи) нодир топилмани топди. Бу топилма ўрта юра қумтошлари устида қолдирилган узунлиги 20—22 см, кенглиги 15—16 см келадиган излар бўлиб, бу изларни стегозаврлар, турли йиртқич динозаврлар ва оринитоподлар қолдирган бўлса керак деб тахмин қилинади. Бу из қолдиқлари йўл бўйида бўлганлиги учун йўлни кенгайтириши пайтида бузилиб кетган эди. Шу сабабдан бу излар узоқ вақт унутилиб юборилди.

Кейинги йилларда Равот атрофида динозавр изларининг янги майдони мавжуд бўлиб, 1961 йилда тошкентлик геолог Е. А. Кочнев қайта очган. А. К. Рождественскийнинг ёзишига қараганда, Равотдаги кичик размердаги уч панжали излар қушсимон динозаврларга, йирклари эса йиртқич карназаврларга, целурозаврларга тегишилдидир. Булардан ташқари, игуанодонлар ҳамда тўрт оёқли стегозавр типига кирувчи динозаврларнинг излари ҳам борлиги аниқланган.

Динозавр излари топилган иккинчи жой ҳам Тоҷикистондадир. Бу жой Ширкент дарёси ҳавзасида жойлашган бўлиб, бу ердаги излар қуий сеноман ёшидаги (бундан 100 миллион йил илгари ўтган геологик давр) оҳактошли қумтошлар орасидан геолог С. А. Захаров ва унинг шериклари томонидан топилгандир. С. А. Захаровнинг фикрича, Ширкент дарёси атрофи сув усти дельтаси бўлиб, бу ерлардаги иқлим субтропикка яқин бўлганлиги учун кўплаб кўкат ўсган. Бу эса ўтхўр динозаврларни, шунингдек, ўтхўр динозавр ва бошқа ҳайвоинлар гўшти билан кун кўрувчи йиртқич динозаврнинг ривожланишига сабабчи бўлган. Кутаиси яқинида-

ги Сатаплиа тепалигидаги динозавр изларини 1933 йилда тарих ўқитувчиси Петре Чабукиани очган.

Геологлардан Н. Канделаки ва Г. Дзоендженинг фикрича, Сатаплиадаги динозавр излари қуий бўр даврида (бундан 130 миллион йил илгари) пайдо бўлган оҳактош қатлами билан боғлиқдир. Бу ерда изли қатламлар иккита бўлиб, уларни бир-биридан бир метр қалинликка эга бўлган оҳактош ажратиб туради. Биринчи қуий қатламда қолдирилган изларнинг сони 150 та бўлиб, сатаплиазавр Чабукиани деб аталади. Бу изларнинг узунлиги 17—23, кенглиги 13—18 сантиметрга етади. Иккинчи юқори қатламида эса излар жуда кам учрайди (узунлиги 38—40 см, кенглиги 30—40 см). 1949 йилдан бошлаб бу изларни диққат билан ўрганган грузин палеонтологи Лео Калистратович Габуниянинг фикрича, Сатаплиа тепалигидаги биринчи изли қатламдаги динозавр излари йиртқич ҳисобланган икки оёқли ўткир тирноқли уч панжали целурозавр ва мегалозаврларга, иккинчи қатламдаги излар эса икки оёқли ўтхўр динозаврларга тегишли.

Динозавр излари тўғрисида сўз борар экан, Туркманистоннинг Кўҳитанг дарёси юқори қисмидан топилган из қолдиқлари ҳақида ҳам айтиб ўтиш лозим.

Кўҳитанг дарёсининг юқори қисмida оҳактошлар юзасида қандайдир номаълум изларнинг борлигини эшигтан ўлкашунос А. Каманин ва геолог С. Ҳасановлар бу ерда маҳсус қидирув ишлари олиб боргандар. Натижада улар яхши сақланиб қолган изларнинг борлигини аниқлагандар. Бу топилган излар динозаврларга тегишли бўлиб, унинг катталиги 80—90 см га тенг. Из билан из ораси 1,5 метрни ташкил қиласи. Топилган излар катталиги ва қадамнинг узунилигига қараганда из қолдириган динозаврнинг баландлиги 8—12 метр бўлган бўлса керак деб тахмин қилинади. Текширишлар натижасида аниқланишича, бу ерда динозаврлар подаси яшаган. Бу ерда йирик из қолдиқлари билан бир қаторда, кичик излар — динозавр болаларига тегишли излар ҳам кўплаб учрайди. Топилган изларнинг умумий сони 500 дан ортиқ. Туркман геологларининг фикрича, ҳозирги Кўҳитанг ўрнида бундан 150 миллион йил илгари катта-кичик ороллардан иборат бўлган денгиз мавжуд бўлган. Бу эса шу районнинг геологик тарихини ва унда содир бўлган геологик процессларни ўрганишга ёрдам беради. СССР Фанлар академясининг Палеонтология институтининг ходими П. Қаландадзенинг фикрича, Кўҳитангдан топилган излар СССР

территориясида топилган динозавр излари ичида кўплиги ва яхши сақланиб қолғанлиги билан ажralиб турди. Шу сабабдан Кўҳитангдан топилган излар динозавр тарихини ўрганишда олимлар учун муҳим далил бўлиб хизмат қиласи ва шу районнинг палеогеографик картасини тузишда, қазилма бойликларни прогноз қилиншда жуда қўл келади. Динозавр изларига тегишли яна бир топилма Ўзбекистоннинг Яккабоғ районидаги Тошқўрғон қишлоғи яқинида жойлашгандир. Бу ердан икки оёқли динозаврларнинг из қолдиги топилган. Изнинг катталиги 45—50 см бўлиб, излар оралиги 1—1,5 метрга тенгдир. Топилма расмини ўрганган Л. К. Габуния фикрича, бу излар қўшсизмөн динозаврларга тегишли бўлиб, излар мезозой эрасининг юқори юра ва бўр даврларида ҳозирги Жанубий Ўзбекистон территорииясида динозаврлар кўплаб яшаганилигидан далолат беради.

Чет мамлакатлардан ҳам кўплаб турли группага кирувчи динозавр излари топилган. Бу излар Қанаданинг Коннектикут воҳасидаги юқори триас (200 миллион йил илгари ўтган геологик давр) ётқизиқлар орасида учрайди. Изли қатламнинг узунлиги 150 км. Бу ерда ўнга яқин йиртқич динозаврларнинг изи бўрлиги аниқланган. Бундан ташқари, турли авлодга кирувчи динозавр излари Италия (қўйи триас — 230 млн. й.), Аргентина — (триас — 230 млн. й.), Португалия — (юқори юра 176 млн. й.), АҚШ (юқори юра — 176 млн. й.), Жанубий Англия (бўр — 137 млн. й.), Гарбий Европа — Брионь ороли (бўр — 137 млн. й.), Морокко (бўр — 137 млн. й.), Алжир (бўр — 137 млн. й.), Колумбия (қўйи бўр — 137 млн. й.) каби мамлакатлар территорииясидан ҳам кўплаб топилган. Бу излар кўпгина палеонтологлар томонидан қунт билан ўрганилган ва қайси отряддаги динозаврларга тегишли эканлиги маҳсус адабиётларда батафсил ёритилган.

Динозаврлар скелети қолдиқлари планетамизнинг триас, юра ва бўр ётқизиқлари орасидан кўплаб топилган ва топилаётган динозавр қолдиқлари кундан-кунга ошиб бормоқда. Динозавр қолдиқларининг энг кўп топилган жойи Монголиянинг Гоби саҳросида жойлашгандир. Бу ерда динозаврларнинг йирик «мозор»лари юра (цитай) ва бўр даврларида (Анда — Худук, Оша — Нуру, Хамарин — Зурал, Маорту, Ирэн — Нор, Байн — Ширэ, Байн Дзак, Бучэн — Наб, НЭМЭГЭТУ) учрайди. Бу «мозор»лардан динозавр сүякларидан ташқари тим-

соҳ, балиқ, тошбақа ва шу каби мезозой-кайнозой даврида яшаган ҳайвон суюклари топилган.

Ҳозирги кунда Гоби саҳросидан топилган динозавр суюк қолдиқлариниң күнгина мамлакатларнинг палеонтологик ёки табииёт музейларида учратишингиз мумкин. Бу музейларда Монголия териториясидан топилган динозавр қолдиқларидан ташқари, Гоби динозаврларининг бутун склетидан тортиб то унинг тирноғи, тухуми ва бошқа турли хил қолдиқлари намойиш қилинмоқда. Гобида бундай йирик суюкларнинг учрашига маҳаллий халқ эътибор берган. Уларнинг фикрича, бу суюклар катта аждарҳо суюк қолдиқларидир. Қадимги монгол эртагида айтилишича, аждарҳо Гоби саҳроси устидан учиб ўта туриб ерга қулаб тушган ва ҳалок бўлган. Унинг суюклари ерга кириб кетган ва тошга айланган. Аждарҳо баҳайбат бўлганлигидан бош суюги бир тоғда, гавда суюклари эса иккинчи тоғда қолиб кетган. Бу албатта, қадимги халқлар орасида тарқалган афсонадир.

Гоби саҳросидаги суюк қолдиқларига биринчи бор машҳур рус-совет геологи, академик В. А. Обручев аҳамият берган. В. А. Обручев 1892 йили Марказий Осиё бўйлаб қилган саёҳати пайтида Гоби саҳросида бир неча жойда суюк қолдиқларини учратган, бу суюк ётқизиқларининг ёшини ва ўрнини аниқлаган. Олим Гоби саҳросидан йиққан суюк қолдиқларини уз даврининг йирик геологи веналик Эдуард Гюссга юборган. В. А. Обручев кундалиги билан танишиб чиққан америкалик палеонтологлар 1922 йилдан бошлаб Гоби саҳросида қидирув ишларини авж олдириб юборганлар. 1946 йилдан бошлаб эса совет палеонтологлари монголиялник касбдошлари билан биргаликда Гоби саҳросининг сирларини мунтазам ўрганимодалар.

Монголиянинг Гоби саҳросидаги бўр даври ётқизиқлари орасида Америка, Монголия — Польша, Монголия — ССР қўшма палеонтологик экспедициялари иштирокчилари томонидан кўплаб динозавр «мозор»лари ва бу «мозор»лардан тартибсиз сочилиб ётган суюк қолдиқларидан ташқари турли группага кирувчи динозаврларнинг гавда қолдиқлари топилган. Гоби саҳросининг бўр даври ётқизиқлари геологияси Ўзбекистоннинг бўр даври ётқизиқларининг геологиясига жуда ўхшаш бўлиншига қарамасдан бу ерлардан динозаврларнинг бузилмаган, бутун сақланиб қолган гавда скелетини топишга анча вақтгача мұяссар булинимади. 1961 йилда Г. А. Беленький бундай топилмани биринчи бўлиб Тошкент

шимолидаги чўллардан топган. Бу топилмани батафсил ўрганган атоқли совет палеонтологи А. К. Рождественский шундай ҳикоя қиласи: 1961 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон терриориясидан динозавр қолдиқларини қидириш учун уюштирилган экспедиция ходимлари ҳеч нарса тополмай Москвага қайтиб кетишади. Шундан кейин ноябрнинг иккинчи ярмида А. К. Рождественскийга Тошкентдан хат боради. Хатда Тошкент университети доценти Г. А. Беленький Тошкент шимолидаги чўллардан динозавр скелетини топганини хабар қилган эди. Москва палеонтологлари А. К. Рождественский, И. И. Лихачев, М. М. Брагинлар тезда динозавр суюги топилган жойга етиб келиб, Тошкент геологлари ёрдамида динозавр скелетини 10 кун давомида қазиб олишган. Бу скелет ўрдакбурунли динозавр бўлиб, у Совет Иттифоқида топилган ҳамда бутун сақланиб қолган ягона скелет эди. Скелетнинг конгломерат қатламидан юқорида ётиши унинг бошқа жойдан ювилиб келмаган лигидан далолат беради. Тошкент динозаври Шимолий Америкадан топилган прохенеозаврларга мансуб бўлиб, улардан кичикилиги (4—5 метр) ҳамда 10 миллион йил кейин яшаганлиги билан фарқ қиласи, холос. Тошкент прохенеозаврнинг топилиши Ўрта Осиё динозаврлари билан Шимолий Америка динозаврлари орасидаги кўпrik бўлиб, Ўрта Осиёда мезозой давридаги геология тарихини ўрганишга катта ёрдам беради.

Ўрта Осиё терриориясидан топилган иккинчи динозавр скелети ленинградлик геолог Н. Н. Верзилин томонидан 1966 йилда Шарқий Фарғонадаги Тошкўмир кони атрофидаги юқори юра даври ётқизиқлари орасидан топилган. 1966 йилда скелет озгина очиб кўрилганда узунлиги чамаси 20 метр келадиган баҳайбат динозавр зауроподга тегишли эканлиги аниқланди. 1967 йили 14 кишидан иборат бўлган отряд топилган динозавр скелетини қазишга киришди. Қаттиқ темирли гиллар орасида ётган скелет жуда яхши сақланиб қолгани сабабли уни тоф жинисидан ажратиб олиш осон бўлди. Скелетнинг бош суюги, бўйин умуртқалари, думининг охiri, битта пашласи ва иккала товони йўқ эди. Палеонтологларнинг фикрича, динозаврларнинг скелетида етмайдиган қисмларни ўша даврда яшаган тимсоҳ, балиқ ва бошқа йиртқич ҳайвонлар еган бўлса керак деб тахмин қилинади. Олимлар бу динозавр қолдиғига «фарғоназавр» деб ном қўйишган.

1979 йилнинг бошларида Япониянинг пойттахти Токиода совет палеонтологиясиниң кўргазмаси очилди.

Япониянинг фан ва техника давлат музейида очилган бу кўргазмада СССР Фанлар академиясининг Палеонтология музейи 1977 йил 24 июнда Магадан областининг Киргили дарёси ёнидан топилган мамонт боласининг қолдиғи билан баҳайбат динозавр скелетини кўргазмага қўйган. Эҳтимол бу динозавр Фарғонадан топилган «фарғоназавр» скелетидир.

Динозаврнинг тирноқ қолдиқлари. Қорақалпоғистон территорииясида бўр даврида ҳосил бўлган чўкинди тоғ жинслари кенг тарқалган бўлиб, бу ётқизиқлар пайдо бўлиш шароити, таркибий қисми, геологик кесимининг тузилиши жиҳатидан Монголиянинг Гоби саҳросининг бўр геологиясига жуда ўхшаб кетади.

Маълумки, Гоби саҳросида динозаврларнинг кўплаб қолдиқлари топилган ва топилмоқда. Бу эса Қорақалпоғистон территорииясида бўр даври ётқизиқлари орасида динозавр қолдиқларини қидириб топишга имкон беради. Қорақалпоғистонда бўр даври чўкиндилиари Султон Увайс тоғи атрофида айниқса Хўжакўл районида кенг тарқалган. Бу ерда темирли, фосфоритли, гилли, қумтошли қатламлар учрайди. Бу қатламлар ўзаро солиштирилиб фарқи ва ўхшашликлари аниқланди. Қилинган ишлар натижасида Хўжакўлдаги баъзи темирли, фосфоритли қатламлар орасида турли-туман катталиктаги бир-бирига ўхшамайдиган бўр даврида яшаган динозавр, тошбақа, тимсоҳ, балиқ сүяқ қолдиқлари топилди. Суяклар орасида йиরтқич динозавр тирноғи қолдиғи борлиги аниқланди. Топилган тирноқ каркидоннинг шохига ўхшаши, ўроқсимон шаклда бўлиб, узунлиги 12 сантиметрdir.

Анатолий Константинович Рождественскийнинг берган маълумотларига кўра Хўжакўлдан топилган тирноқ жуда подир топилма бўлиб, у тереподларга киравчи йиরтқич динозаврларга тегишилидир. Хўжакўл жаҳонда динозавр тирноғи топилган жойнинг еттинчиси бўлиб, Ўрта Осиё учун эса ягона топилма ва жойдир. Қўйида планетамизнинг турли жойларидан топилган тирноқлар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтамиш:

1. 1920 йили Ч. Гилмор Америка Қўшма Штатларидаги Моррисон қатламида топгац, узунлиги — 12 см.
2. 1933 йили Ч. Гилмор Ички Монголиянинг сеноман даври ётқизиқларини Ирэн-Нор кесимидан топган, узунлиги — 15 см.


3. 1948, 1965 йиллар СССР Фанлар академиясининг Монгол палеонтология экспедицияси ходимлари томонидан НЭМЭГЭТУ номли жойда тарқалган маастрихт ёт-

қизиқлари орасидан 1948 йили уч дона (1965 йили 1 дона) тирноқ топилган, узунлиги тирноқ бүғинлари билан биргаликда 30—60 см.

4. 1957 йили СССР Фанлар академиясининг Марказий Қозоғистон палеонтология экспедицияси ходимлари томонидан Шоҳ-шоҳ номли жойдан турон ётқизиқлари орасидан топилган, узунлиги — 20 см.

5. 1959 йили Забайкальедаги Урдак кўли яқинидан қўйи бўр ётқизиқлари орасидан топилган, узунлиги — 20 см.

6. 1960 йили совет-хитой палеонтология экспедицияси



5-расм. Хўжакўлдан топилган динозавр тирноғи.

ходимлари томонидан Ички Монголиянинг Тао Суэй-Гоу номли жойнинг сеноман ётқизиқлари орасидан топилган.

7. 1975 йили шу сатрлар муаллифи томонидан (Қорақалпоғистоннинг Хўжакўл районидаги юқори бўр) сенома-турон ётқизиқлари орасидан топилган, узунлиги 12 см. Ҳозир бу тирноқ СССР Фанлар академиясининг палеонтология музейида сақланмоқда.



1975 йили ва ундан кейинги йилларда Хўжакўл ва Қорақалпоғистоннинг бошқа жойларидан, Қизилқум, Фарғона водийсидан топилган суюк қолдиқларни батафсил ўрганиш ва уларнинг қайси ҳайвонларга мансуб эканлигини аниқлашда Лев Александрович Несов катта ҳисса қўшди. Л. А. Несовнинг олиб борган қидирув ишлари натижасида Қорақалпоғистоннинг Султон Увайс тоги атрофида жойлашган бўр ётқизиқлари, Қўрғошин-

қалъа, Құкча, Қорачадала, Қаратепа каби районларда динозавр, тошбақа, тимсоҳ, балиқ, аммонитга ўхшаш ҳайвон қолдиқлари күплаб топилган. Топилган сүяк қолдиқлари орасида қуи бүр даврига оид ётқизиқлар билан ҳам боғлиқ бўлган сүяклар борлиги маълум бўлди. Бу эса Ўрта Осиёда қуи бүр даври ётқизиқлари орасида динозавр қолдиқлари учрамайди, шунинг учун Ўрта Осиё территориясида динозаврлар асосан юқори бүр даврида яшаган деган холосани рад этди.



6-расм. Бүр даври ўрмонининг қолдиги (Қизилқум).

Текширишларнинг кўрсатишича, динозавр қолдиқлари бүр даврининг апт, алъб ётқизиқлари орасида ҳам күплаб учрайди. Бундан ташқари, Султон Увайс тоғи атрофида кеңг тарқалган сеноман, қуи турон ётқизиқлари орасидан СССРда биринчи ғор икки тирноқли тошбақа қолдиқлари топилди. Л. А. Несовнинг ёзишича, балиқ қолдиқлари асосан тұлық скелетли балиқларга тааллуқли бўлиб, улар бүр даврида яшаган. Ҳозирги пайтда бу балиқ турларини Шимолий ва Марказий Америка сувларнда учратиш мумкин. Топилмалар орасида чиганоқ, тошбақа, аммонит сүяклари, турли ўсимлик ва дараҳт қолдиқлари борлиги исботланди. Тошбақа қолдиқларни сувда ва қуруқда яшовчи тошбақаларга тегишилдири.



Гарсм. Хўжакўлдаги қадимги ҳайвонлар «мозори»да учрайдиган қолдиқлар:

1. Фосфорит доналари (ташқи кўришини ўзгариб кетган ҳайвон қолдиқлари),
2. Нинолавр сүяклари, 3. Тошибақа сүяклари, 4. Балиқ умуртқа поганасининг
қолдиқи, 5. Тимсоҳ, балиқ ва акула тишлари.

Динозавр сүяк қолдиқларига келсак, А. К. Рождественскийнинг аниқлашича, улар калтакесаксимон ва құшсимон динозавр отрядлариға мансуб. Биринчи отряд вакиллари йиরтқыч динозаврларга, иккінчи отряд вакиллари эса ұтхұр динозаврларга киради.

1977—1978 йилларда Ленинград университетининг үмуртқали ҳайвонлар зоологияси кафедрасининг Л. А. Несов бошлиқ палеонтологик отряди Марказий Қызылқұм ва Фарғонадан сүяк қолдиқларини қидирған. Л. А. Несовнинг А. К. Рождественский ва унинг шогирдләри ёрдамида Хұжакұлдан топилған «мозор» тұлиқ скелетті балиқ қалқони, чұртоң балиқ, акула, гилда яшовчи балиқларнинг тиш, үмуртқа қолдиқлари, тангалалар, сүяк ва көпролитлардан иборат әканлиги аниқланди. Сүяклар орасыда аммонит, ұар хил моллюска, күплаб қисқиңбақасимон қолдиқлари борлиги аниқланди. Хұжакұлдан топилған сүяклар орасыда түрли отрядта мансуб тошбақа сүяклари айниқса күплаб учрайди. Улар токсохелинд онласига кирудүчі соҳил тошбақалар, үзүүк сувларда яшовчи «Мексика тошбақалари» ва бир қаша иккі ва уч тирноқлы тошбақа қолдиқларидан иборат.

Булардан ташқари, ҳозиргача фанда номаълум бұлған тошбақа қолдиқларидан баъзи бир бұлаклари борлиги аниқланди. Сүяклар орасыдан тимсохнинг тишләри, үмуртқа сүяклари, бош сүягининг баъзи қисмлари борлиги маълум бўлди.

Хұжакұлдаги қадимги тарихий ҳайвонлар «мозори»да динозаврининг тирноғидан ташқари калтакесаксимон ҳамда құшсимон динозаврларнинг сүяклари күплаб учрайди. Биринчи отрядта кирудүчі динозавр йирикти бўлиб, уларнинг тишләри ва бўғин сүяклари иккінчи отрядта кирудүчі үрдакбурунли, шохдор динозаврларнинг күргина сүяк қолдиқлари борлиги аниқланди. Юқорида топилған сүякларнинг организмга тегишлиги, уларнинг сақланиш даражаси ҳамда формасыга қараб Хұжакұлдаги сүяк қолдиқлари үша ҳайвонларнинг денгиз бўйида, унча чуқур бўлмаган сув ҳавзаларида, дарё дельталарида яшаганлигидан далолат беради. Уларнинг күплиги ва түрли-тумаң авлодга мансублиги, сақланиб қолған сүякларнинг маълум авлодга кирудүчі ҳайвонлар қолдиги әканлигининг аниқланиши турон даврида Султон Увайс атрофида иссиқ иқлим бўлганлигидан дарак беради. Турон чўқинди жинслари құмтош, гил, темирли қатламлардан иборат бўлиб, бу қатламлар айниқса, таркибида темири кўп қатламлар вақти-

вақти билан дengiz суви тагида қолган майдонларда пайдо бўлган. Шу тоғ жинслар орасидан тимсоҳлар, сувда ва қуруқликда яшовчи динозаврлар, тошбақалар, темир, кремнийга айланган узунлиги 10 метр келадиган дараҳт, ҳайвон ва ўсимлик қолдиқларининг топилиши дengиз қирғоғида, дарё дельталарида дараҳтзорлар бўлганлигидан дарак беради. Бу дараҳтлар ўтхўр динозавр ва бошقا қуруқликда яшовчи ҳайвонлар учун овқат вазифасини бажарган.

Қуруқликда яшовчи ҳайвонларнинг эволюцион тараққиёти уларнинг сувда яшовчи авлодларининг кўпайишига олиб келди. Шу сабабдан Хўжакўлдаги суяклар орасида сувда ва қуруқликда яшовчи ҳайвон қолдиқлари биргаликда учрайди. Қорақалпогистон, Қизилқумдаги бўр ётқизиқлари билан шуғулланувчи геологларнинг кузатишича, бўр даврида Ғарбий Ўзбекистон териториясини дengиз суви гоҳ ўз қаърига олар, гоҳ саёзланиб бу ердаги кўп майдонларни қуруқликка айлантиради. Агар Қорақалпогистоннинг турон даври ётқизиқларини олиб қарайдиган бўлсак, унда бу ётқизиқларни дарё дельталарида пайдо бўлган қум ва қумтошлардан, темирли конгломерат, гравелит, дарё оқимларида пайдо бўлган қум ва қумтошлардан, темирли конгломерат, гравелит гиллардан иборат эканлигини кўрамиз. Бу ётқизиқлар Қорақалпогистоннинг кўпгина жойларида тарқалган бўлиб, шу жойлардаги ётқизиқда бир хилда кўп миқдорда суяқ қолдиқлари учрамайди. Хўжакўлда дараҳт қолдиқларидан тортиб, динозавр, тимсоҳ, акула, тошбақа, сув ёки қуруқликда яшашга мослашган ҳайвон қолдиқларининг учраши сеномантурон даврида ўзига хос геологик ландшафт бўлганлигидан дарак бериб турибди.

* * *

*

150—170 миллион йил ер юзида ҳукмронлик қилган динозаврларнинг биронта вакили кейинги геологик даврда яшамаганлиги тирик организмларнинг ривожланиши тарихидаги ҳанузгача узил-кесил ҳал қилинмаган жумбоқлардан биридир.

Қадимги ҳайвон қолдиқларини ўрганиш билан шуғулланувчи палеонтологлар геологик даврларда яшаган ҳайвонларнинг янгидан-янги турларини топмоқдалар. Бу топилмалар планетамиздаги органик дунёнинг асосий ривожланиш қонуниятини очиб бермоқда.

Маълумки, бундан 3,5—4 миллиард йил илгари сув манбалари — гидросфера пайдо бўлган. Гидросфера ва атмосферада физика ва химия қонунлари асосида содир бўлган ўзаро реакциялар ерда ҳаётнинг вужудга келиши учун шарг-шароит яратиб берди. Денгиз сувида дастлаб оқсиллар, улардан вақт ўтиши билан на ўсимликка, на ҳайвонга ўхшайдиган протобионтлар, сўнгра оддий бактериялар, бир ҳужайрали организмлар, сув ўтлари, кейинчалик кўп ҳужайрали сув ўтлари ва денгиз ҳайвоiplари — медуза, чувалчанг, қадимги игнатанлилар пайдо бўлди. Вақт ўтиши билан ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳам тобора такомиллашиб борди. Планетамизда ҳайвонот дунёси пайдо бўлди. Улар яшаш ва ривожланишда ўзининг энг юқори даражасига кўтарилиган, сўнгра инқирозга учраб тезда йўқ бўлиб кетган. Уларниг ўринини олдингисига кўра анча мураккаб организми ҳайвонлар эгаллади. Палеонтологлар илгаридан ҳайвонот дунёсида содир бўлган ва бўлаётган бундай ўзгаришларнинг сабабини қидирдилар. Палеонтологлар ва ёндош фанларнинг вакиллари қадимги ҳайвоiplарнинг ривожланиш, ҳалокат сабабларини ечиб берувчи бир қанча илмий-тадқиқот ишларни олиб бордилар. Бўр ва палеоген даврлар чегарасида динозаврларнинг ҳалокати тўғрисида кўпгина тахминлар айтилган. Динозаврлар илгари планета бўйлаб ҳукмонлик қилган ва бундан 70 миллион йил илгари йўқ бўлиб кетган. Бу вақт геологик нуқтаи назардан қараганда, бизга нисбатан анча яқин бўлганлиги учун шу даврда пайдо бўлган чўкинди тоғ жинслари бағрида калтакесакларнинг кўпгина қолдиқлари сақланиб қолган. Бу топилмалар баҳайбат динозаврларнинг мезозой ва кайнозой эраларининг чегарасида Ер юзидан йўқ бўлиб кетиш сабабларини ечишга асосий далил бўлиб хизмат қиласи.

Мезозой даври ҳайвонлари ҳаётига доир илмий-тадқиқот ишларида динозаврлар ҳалокати ҳақида тұхталиб ўтилади. Бу масалалар билан шуғулланувчи ҳар бир геолог ўз фикрини айтиш билан бир қаторда, ўзи қўлга киритган далиллар асосида динозаврларнинг ҳалокат сабабларини изоҳловчи тахминлар ҳақида ўз фикрини билдиради.

Динозавр қолдиқларининг топилишидан бошлаб то шу кунгача ўтган қарийб 150 йил ичида уларниг қирилиб кетиш сабабларини тушунтиришга бағишиланган ўнлаб тахминлар пайдо бўлди. Бу тахминларнинг би-

ронтаси ҳам масалани ҳар томонлама батафсил тушунтириб бера олмайди.

Динозавр қолдиқларини махсус ўрганиш билан шурулланган олимларнинг фикрича, динозаврлар бўйни нинг ҳаддан ташқари узун бўлиши натижасида мия қон билан тўла таъминланмаганлиги, Ер юзасига йирик метеоритларнинг тушиши натижасида уни магнит майдонининг ўзгариши, Ернинг қаттиқ совуши, тоғ ҳосил қилувчи йирик геологик процесслар, сутэмизувчилар билан кураш, ерга келадиган кучли радиоактив заррачалар таъсири, ўсимликлардаги тании ва алкалоидларнинг кўплаб истеъмол қилиниши, динозавр тухумларининг бошқа ҳайвонлар томонидан йўқ қилиниши ёки кальций етмаганлиги сабабли динозавр болаларини эмбрионда, ривожланиш пайтида нобуд бўлган деган тахминлар мавжуд.

Агар тирик организм ҳаётига назар ташласак, улар нинг геологик вақт жараённада бир неча бор ўзгариб оддий формадан аста-секин мураккаб организмга эга бўлган формага ўтганлигини кўрамиз. Бошқа ҳайвонлар қатори динозаврлар ҳам триас бошида текодонтлардан ажralиб чиқиб, бўр даврининг охиригача 170 миллион йил давомида ривожланиб, такомиллашиб планетанинг ўзи яшаб турган жойининг муҳитига мослашган ҳолда бир турдан иккинчи турга ўтиб келган.

Динозаврлар триас, юра, бўр даврларининг охирларида сон жиҳатдан ҳам, турлари жиҳатдан ҳам тарқалган майдонининг кенглиги, яшаш шароити (сувда, қуруқликда, ҳавода) жиҳатидан ҳам планетада ҳукмронлик қилган. Аммо бўр даврининг охирига келиб бутунлай қирилиб кетган. Улар 170 миллион йил давомида триас давридан юра даврига, юра давридан бўр даврига мураккаблашиб борган. Динозаврлар бўр давридан кейин келган палеоген даври яшаш шароитига мослашмасдан қирилиб кетган. Динозаврлар ҳалокатининг сирларини юқорида қайд қилинган тахминларнинг ҳеч қайсиси тўлиқ еча олмайди. Аммо бу тахминлар бўр даври организмларининг ҳаётини, планетамида бўр даври охирларида содир бўлган геологик процессларнинг моҳиятини тушунтиришга ёрдам беради. Динозаврлар ҳалокатида сутэмизувчилар сабабчи деган тахминни олиб қарайлик. Сутэмизувчилар мезозойнинг охирида пайдо бўлган бўлиб, организмнинг мукаммалиги билан динозаврлардан анча юқори турган. Бу тахминга кўра, сутэмизувчилар яшаш учун кураш жа-

раёнида динозаврлардан устун келиб, уларни қириб юборган. Агар бу масалага биологик нуқтан назардан қарайдиган бўлсак, келтирилган аргумент ҳақиқатга ўхшаб кўринади. Аммо энди пайдо бўлиб келаётган оз сонли кичик сутэмизувчилар баҳайбат, сувда ҳам, қуруқликда ҳам, ҳавода ҳам ҳукмрон бўлган динозаврларни қириб ташлай оларми? Агар динозаврлар сутэмизувчилар билан курашда нобуд бўлган бўлса, динозаврлар қолдиги топилган жойдан нега ҳанузгача биронта сутэмизувчи нишонаси топилмаган? Ниҳоят сутэмизувчилар палеоген давридан то шу кунгача бошқа унча тараққий қилмаган ҳайвонлар билан «тинч», «тотув» яшаб келаётганини эътиборга олсак, динозаврлар ҳалокатини бу тахмин билан тушунтириш қийин эканлиги аниқ бўлиб қолади. Ёки тоғларни ҳосил қилувчи процессларни олиб қарайлик. Ҳақиқатан ҳам олимлар геологик эралар, даврлар чегарасини белгилашда албатта тоғ жинсларини, ўша давр ҳайвон ва ўсимликлар дунёсини, планетамиз ландшафтининг ўзгариши каби йирик белгиларни асос қилиб олганлар. Бу ўзгаришлар, албатта, йирик геологик жараёнлар натижасида вужудга келади. Мезозой ва кайнозой эралари чегарасида содир бўлган ва кўплаб тоғ тизмаларини пайдо қилган, вулқон отилишларга, ер қимирлашларга сабабчи бўлган «лорамийский» деб номланган ҳаракат шундай жараёнлардан биридир. Шунинг учун ҳам баъзилар динозавр ҳалокатини ана шу лорамийский ҳаракат билан боғлайдилар. Аммо бу ҳаракат планетамизнинг ҳамма жойида содир бўлмаган. Шу сабабдан ҳам бу ҳаракат фақат айрим районларнинг ҳайвонот дунёсининг нобуд бўлишига сабабчи бўлган, холос.

Шунингдек, вақти-вақти билан коинотдан ерга келадиган радиоактив оқимининг таъсирини олиб қарайлик. Бу космик нурлар тирик организм учун ҳақиқатан ҳам ҳалокатлидир. Бу тахмин оппонентларининг фикрича, ер тарихида ҳайвонот дунёси кам деганда 14 марта тубдан ўзарган. Астрономларнинг хабарига кўра, шу давр ичида бир ёки икки марта катта «портлаш»лар юз берган, холос. Нега космик нурлар динозаврлар каби бошқа ҳайвонларни ҳам нобуд қилмаган? Нега ўсимликлар сақланиб қолган? Бошқа тахминлар ҳам юқорида келтирилган тахминларга ўхшаш бир қанча ноаниқликларни ўз ичига олади.

Кейинги йилларда баъзи олимлар динозаврлар ҳалокати қандайдир, алоҳида ҳодиса бўлмай, балки

тирик организмларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, ишқирозга учраши табиий қонуният асосида юз берган дейишади. Бу ўринда динозаврлардан кейин яшаган ва мукаммал организмга эга бўлган ҳайвонларда биронта динозавр турининг нишонаси йўқлиги, динозаврларнинг бутунлай инкор қилинганини кўрсатиш мумкин.

Кейинги йилларда баъзи олимлар динозаврларнинг ҳалок бўлишида ерга тушган йирик метеоритларни сабаб қилиб кўрсатиши ҳоллари ҳам вужудга келди. Аммо бу назария тарафдорлари орасида ҳам бирлик йўқ. Динозавр ҳалокатининг метеорит назарияси тарафдорларидан Майами университетининг олими Лезаре Эмилони ҳамда швейцариялик профессор Кеннета ГСЮнинг фикрича, осмондан метеорит тушгандан сўнг ер температураси тез кўтарилиб кетган, океан, денгиз сувлари қайнаган (ёки жуда исиб кетган), ер юзини пар қоплаб олган. Кўп жойларда ер юзаси «сауна-ҳаммом»га айланган. Бундай юқори температурага бардош беролмаган, мослаша олмаган баҳайбат гавдали динозаврлар ҳалок бўлган. Бу тахмин тарафдорларидан Луис Альварес ҳамда Антон Прайзингерлар ерга тушган метеоритларнинг динозаврлар ҳалокатига таъсирини бутунлай бошқача изоҳлайдилар. Уларнинг фикрича, ерга метеорит тушиши натижасида ердан кўтарилган чангтўzon атмосферани қоплаб олган. Натижада ер юзасига Қуёш нури тушмай, уни тез совиб кетишига сабабчи бўлган ва динозаврларни ҳалокатга олиб келган. Баъзи бир тадқиқотчи олимлар динозаврларнинг қирилиб кетиш сабабини уларнинг гавда тузилиши, асосан бўйнининг узунлиги билан боғламоқдалар. Фарбий Германия палеонтологи Рупер Вильдинг фикрича, динозаврнинг бўйни ўрта ҳисобда 12 умуртқадан иборат бўлиб, узунлиги 6 метр. Шу сабабдан ҳам қон ҳаракати узоқ «йўлни босиб ўтишга» тўғри келган. Қон биринчидан, ташқи муҳит таъсирида динозавр гавда температуранинг совиб кетишига сабабчи бўлса, иккинчидан, бўйнининг узунлиги динозавр бош миясини қон билан таъминланишини қийинлаштиради. Бу ҳолатлар эса уларнинг қирилиб кетишига сабабчи бўлган.

Физика-математика фанлари доктори А. Воробьев динозаврлар ҳалокатини электр заряди билан боғлади. Унинг фикрича, динозавр скелет қолдиқларининг бир жойда кўплаб учраши ҳамда уларда тўсатдан содир бўлган ҳалокат белгиларининг бўлиши динозаврларни ҳақиқатда ҳам қисқа вақт ичida ҳалокатга учраганлиги-

дан далолат беради. Бунга асосий сабаб электр заряди ҳисобланади. Дарҳақиқат, электр заряди таъсирида от, сигир, қўй ва шунга ўхшаш ҳайвонлар қирилиб кетганини маълум.

Динозаврлар атмосферанинг электр активлигида гавдасининг катталиги сабабли ундан ўтган кучли электр токи натижасида ҳалок бўлган.

Тектоник ҳаракатлар, ер қимирлаши, вулқон отилиши атмосферада электр зарядининг кучайишига сабабчи бўлади. Геологларнинг фикрича, бўр даврининг охирида планетамизнинг кўпгина жойларида тектоник ҳаракатлар кучайган, сув ҳавзалари, ўсимликлар дунёси анча камайиб кетган. Табиий шароитнинг бундай ўзгариши албатта, динозаврлар ҳаётига ҳам таъсир қилмай қолмаган. Ўсимликлар дунёсининг камайиб кетиши ўтхўр динозаврларнинг қирилишига, бу эса ўтхўр динозаврлар эвазига яшайдиган йиртқич динозаврларнинг нобуд бўлишига замин тайёрлаган.

Совет-Монгол палеонтология экспедицияси томонидан 1973 йилнинг ёзида Гоби саҳросининг Тогурин-Булак районидан топилган иккита бир-бирини тишлаган ҳолда ҳалок бўлган динозаврлар қолдиғи бунга мисол бўла олади. Уларнинг бири 3 метрли ўтхўр, иккинчиси эса йиртқич динозаврлар авлодига мансубdir.

Динозаврларни ерга тушган комета ёки астероидлар таъсирида қирилиб кетганини исботловчи далилларни кўплаб келтириш мумкин. Бу тахмин тарафдорлари майдонга ташлаган назариясини асосий далил қилиб динозаврлар сүякларининг бир жойдан кўплаб топилиши ҳамда шу жойдан ўша даврда яшаган балиқ, тимсоҳ, аммонит ва ҳоказо ҳайвон қолдиқларининг учрашишини асос қилиб оладилар. Бундан ташқари, кўпчилик палеонтологларнинг кўрсатишича, бўр давридан палеоген даврига ўтиш вақтида динозаврлардан ташқари бошқа сузувлари ва учувчи ҳайвонлар, баъзи бир турдаги аммонит, белемнитлар йўқ бўлиб кетган. Профессор Л. Альварецнинг фикрича, динозаврларнинг қирилиб кетишига метеоритлар таркибида учрайдиган заҳарли иридий элементи сабабчи бўлган. Ўнинг берган маълумотига кўра, мезозой ва кайнозой тоғ-жинсларини бир-биридан ажратиб турувчи гил таркибида иридий миқдори кайнозой ётқизиқлари таркибидаги иридийдан 30 марта кўплиги аниқланган. Л. Альварецнинг фикрича, иридийнинг маълум бир тоғ жинсида кўп миқдорда учраши ерни қандайдир осмон жинси билан боғлиқ.


Иридийнинг Янги Зеландия, Даниядаги гиллар орасида ҳам кўплаб учраши бу заҳарли элементни бир ёшдаги гиллар орасида кенг тарқалганидан далолат беради.

Совет олими В. Елисеев динозаврларнинг ҳалокатига сабаб қилиб денгиз сувида айрим тузларнинг камайиб кетишини кўрсатади. Геологлар денгиз суви таркибидаги тузларнинг геологик вақтни ўтиши билан ўзгариб туришини аниқлаганлар. Бўр давридан олдинги юра даври чўкиндиси орасида ош тузи, гипс, калий тузи қатламлари кўплаб учрайди. Бу эса сув таркибида бўр даврининг бошланишига келиб тузларнинг камайиб кетганини билдиради. Юқори бўр даврида эса сувда яшайдиган микроорганизмлардан кокколитофорид, фораминиферлар сувдаги кальций эвазига ўз скелетларини қурганилар, диатомитлар скелети эса кремнийдан иборат. Денгиз сувига қуруқликдан келадиган кальций, кремний тузларининг камайиб кетиши ушбу элементларнинг сувдаги миқдорини камайтириб юборган. Бунинг исботи учун баъзи районларнинг бўр давридаги тараққиётини кўриб чиқиш мумкин.

Бу даврининг охирига келиб денгиз тошиб ер юзасининг кўпгина жойлари сув остида қолиб кетади. Ер юзасида иссиқ иқлим ҳукмрон бўлиб, ҳозирги Арктикада пальмалар ўсган. Кўплаб ёмғир ёғиши ва ёмғир сувларининг қуруқликдаги тузларни ювиб денгиз сувини кальций тузига бойитиб юборган, қалин-қалин оҳактошлар пайдо бўлган. Ҳозирги кунда динозавр сувяклири кўплаб топилган ва топилаётган жойларда геологик даврда Гоби саҳроси, Урта Осиё, Африка ёки Америкада бўр даврининг охирида иссиқ, нам ҳаво ҳукм сурган. Бу жойларда шу иқлим шароитига хос төғ жинслари — оҳактош, қумтош, гиллар учрайди. Ўсимликлар дунёси бўр даврининг ўрталаригача кўпгина жойларда қалин ўрмонларни ташкил қилган. Бу даврининг охирига келиб, денгиз сувида кальций тузининг камайиб, кетиши, ўсимликлар дунёсининг йўқолиши динозаврлар, биринчиidan кальцийга бўлган эҳтиёжини қондира олмади, иккинчиidan, ўсимликларнинг нобуд бўлиши ўтхўр динозаврларнинг қирилиб кетишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида ўтхўр динозаврлар эвазига кун курадиган йиртқич динозаврларнинг ҳам ҳалокатига сабабчи бўлган. Палеонтолог, Бонн университетининг профессори Г. Эрбен Жанубий Франциядаги мезозой ва кайнозой ётқизиқлари чегарасидан динозавр тухумини топган. Унинг ёзишича, пастки қатламдаги тухум пўстининг қа-

линилиги 1,9—2,6 миллиметрни ташкил қилган. Юқорида, яъни кайнозой ётқизиқларига яқин жойлашган юқори бўр қатламларидан топилган тухум пустлоғи эса жуда юқа бўлиб, бу биринчидан оҳакнинг камлигини исбот қилса, иккинчидан, бундай юқа пустлоққа эга бўлган тухумда эмбрион нормал ўсмаганингини исбот қилган.

Динозаврлар ҳалокати тўғрисида юқорида баён



Марказий ва Ўрта Осиё территориясидан (триас даври) топилган энг муҳим динозавр «мозор»лари харитаси:


1. Люфен, 2. Малери, Юра даври ётқизиқлари орасидан топилган динозавр «мозор»лари. 3. Тошкүмир, 4. Цитай, 5. Ибінь, Бўр даври ётқизиқлари орасидан топилган динозавр «мозор»лари. 6. Шестаково, 7. Айда-Худук, 8. Оши-Нур, 9 — Хамарин, Хурал, 10. Маорту, 11. Лайя, 12. Ирэн-Нор, 13. Байн-Ширз, 14. Шоҳ-шоҳ, 15. Сюк-сюк, 16. Консой, 17. Белье кручи, 18. Синегорск, 19. Байн-Дзак, 20. Джабалпур, 21. Бугэн-Цаб, 22. Нэмэгэтү, 23. Хўjakўл.

Этилган тахминлар асосан динозаврларнинг тўсатдан қирилиб кетиш сабабининг у ё бу томонини ифодалаш учун хизмат қиласи. Юқорида келтирилган тахминлар ичида динозаврлар ҳалокатини заҳарли иридий элементи ҳамда сувда кальций элементининг этишмаслиги билан боғлаш бир оз бўлса-да, динозаврларнинг тўсатдан содир бўлган ҳалокатини исботлашга хизмат қилиши мумкин. Аммо бу тахминлар динозаврларнинг бўр давридан олдин ўтган вакилларининг ҳалокатини ёритиб беришга ожизлик қиласи. Шунинг учун динозавр ҳалокатини бошқа ҳайвонларда бўлганидек тирик организмнинг тараққиёт қонунияти асосида тушунтириш

мақсадга мувофиқ. Бу борада совет палеонтологи А. К. Рождественскийнинг олиб борган илмий тадқиқотлари диққатга сазовор.



Қизилқумда ва Қорақалпогистонда динозавр, тимсоҳ, балиқ қолдиқлари топилган ёки топилиши мумкин бўлган жойлар (штрихонка).



Фарғона водийсизда динозавр, тимсоҳ ва балиқ қолдиқлари топилган жойлар:

1. Консой. 2. Адрасман. 3. Исфара. 4. Тошкүмир. 5. Абшир. 6. Наукат. 7. Сўфигўргон. 8. Фўлча. 9. Қоракўлча. 10. Тошкент чўллари.

А. К. Рождественский маълумотига қараганда динозаврлар юқори триасдан тортиб то юқори бўр қатламларидан бутун планета бўйлаб топилган. Баҳайбат, бесунақай махлукларнинг қолдиқлари Осиё, Африка,

Европа, Америка қитъасида кўплаб тарқалган. Ҳозирги кунда динозаврлар қолдиқларининг энг кўп топилган жойи Осиё қитъасидир. Бу ерда динозаврларнинг 60 дан ортиқроқ тури топилган. Ер юзасидан топилган динозавр қолдиқларининг кўрсатишича, динозавр тараққиёти тарихи юқори триас, юқори юра ва юқори бўр даврларини ташкил қиласди. Мана шу давр ётқизиқлари орасида динозавр қолдиқлари ер юзига тарқалган. Бу даврларнинг бошланиш ва ўрта этапларида ҳосил бўлган тоғ жинслари таркибида динозавр суюклари жуда кам учрайди. Топилган суюк қолдиқлари ҳам динозаврлар ҳақида тўлиқ маълумот беролмайди.

Юқори триас даврида калтакесаксимон группага ки-
рувчи динозаврлар кенг тарқалган бўлиб, қушсимон динозаврлар эса энди пайдо бўла бошлаган эди. Шу ёшдаги динозавр қолдиқлари Жанубий Хитой, Жанубий Африка, Жанубий Америка, Фарбий Европадан кўплаб топилган. Бу мамлакат территорияларидан топилган динозавр суюк қолдиқлари йиртқич динозаврлар — целурозаврлар, карнозаврларга мансуб. Жанубий Африкада биринчи қушсимон динозаврлар ҳамда прозауроподлар қолдиғи топилган. Юқори юрага келиб прозауроподлар қирилади, уларнинг ўрнига зауроподлар пайдо бўлади. Зауропод қолдиқларининг Шимолий Америка, Марказий Хитой, Фарбий Европа, Жанубий Америка, Австралия, Ўрта Осиё территорияларида борлиги аниқланди. Зауропод мозорларидан динозаврларнинг бошқа турларига оид (карнозаврлар, игуанодонлар ва стегозаврлар) суюклари ҳам учрайди. Юқори бўр ётқизиқлари орасида учрайдиган динозавр қолдиқлари турли-тумандир. Улар Шимолий Америка, Канада, Марказий Осиё, Ўрта Осиё, СССРнинг Осиё қисмида топилган. Зауроподлар бўр даврига келиб жуда оз қолди. Стегозавр, игуанодонлар бутунлай йўқ бўлиб кетди. Уларнинг ўрнига янги динозаврлар — анкилозаврлар, цератопелар, ўрдакбурунли динозаврлар ҳамда баҳайбат карнозаврлар кўпайиши авж олади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, динозавр қолдиқлари қайси геологик ёшга мансуб бўлиши ёки планетамизнинг қайси бурчагидан топилган бўлишидан қатъи назар улар континентал тоғ жинслари билан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида динозаврларнинг қуруқликда ҳамда қуруқликка яқин бўлган сув ҳавзаларида яшаганлигидан да-
лолат беради.

Динозаврларнинг юқорида баён этилган қисқача тараққиёт йўли бошқа ҳайвон организми ривожланиши-

нинг умумий қонунияти асосида бўлганлигини курсатиб турибди. Ҳақиқатда ҳам динозаврлар тарихига назар соладиган бўлсак, уларнинг бир хилларини триасда (прозауроподлар), иккинчи хилларини стегозаврларнинг қуи бўр даврида ўлиб кетганлигини билиб оламиз. Бу эса динозаврларнинг ўлимига географик муҳит тобора ўзгариб бориши, бу муҳитга динозаврларни бўр даврида яшаган вакилларининг мослашмаганини асосий сабабчи бўлган. Геологиянинг динозаврлар кенг тарқалган мезозой эрасининг ривожланиши тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унда планетамида ўша геологик даврларда содир бўлган ҳамда динозаврлар ҳаёти ва ривожланишига таъсири курсатган процессларнинг гувоҳи бўламиз.

Маълумки, мезозой эраси уч йирик давр — триас, юра ва бўр даврига бўлинади. Триас даврининг охирига келиб палеозой эрасида пайдо бўлган тоғларнинг аксарияти емирилган. Ер юзасида йирик текисликлар юзага келган. Бу текисликлар мезозой эрасининг юра даврида сув билан қоплана бошлаган. (47-бетдаги сахифага қаранг.) Йирик сув ҳавзалари, дарёлар вужудга келган, ўрмонлар пайдо бўлган. Динозаврлар ривожланган ва кенг тарқалган. Улар қуруқликни бутунлай эгаллаш билан бир қаторда, сув ҳамда ҳавода ҳукмронлик кила бошлаган.

А. К. Рождественскийнинг геологик маълумотларига кўра, динозаврларнинг охириги вакиллари яшаган бўр даврининг охирида Ер юзасида йирик тектоник ҳаракатлар содир бўлган. Тектоник ҳаракатлар кўп жойларда тоғ системаларини пайдо қилган. Ер юзида континентал иқлим ҳукм суро бошлаган. Денгиз ҳавзалари қуриб, катта-катта майдонларда қурғоқчилик бошланган. Натижада ўсимликлар қуриб қолган. Динозаврларнинг овқатланиш манбани ўйқола бошлаган. Олдин ўтхўр динозаврлар, сўнгра ўтхўр динозаврлар эвазига ҳаёт кечиралиб юртқич динозаврлар аста-секин ҳалокатга учраган. Динозаврлар ҳақида қанчалик кўплаб материаллар тўпланган сари уларни Ер юзидан тўсатдан ўйқ бўлиб кетган деган фикрига тўлиқ ишониш қийин.

Бўр даврининг охири, учламчи геологик даврининг бошларида, яъни динозаврларнинг бутунлай қирилиб кетган давр чегарасида Ер юзасида катта ўзгаришлар бўлган. Мана шу бўр ва учламчи давр ўсимликларини, ҳайвонот дунёсини диққат билан текширган Вашингтондаги Смитсониан институтининг олими Лео Хикки ўсимликларнинг ўзгариши турли районларда турли вақтда

содир бўлганини исбот қилган. Олим ўзи олиб борган илмий текширишларга асосланиб, динозаврларни Ер юзасида аста-секин юз берган ўсимликлар дунёсининг ўзгариши билан боғловчи олимларнинг фикрига қўшилмайди.

Лео Хикки фикрича, метеоритлар, Ерни кометалар билан учраши, музликлар динозаврларнинг бутунлай қирилиб кетишига сабабчи бўлмаган. Бўр даврининг охирида ер юзида гулли ўсимликларнинг икки формаси тараққий қилган. Бошқа формалари эса йўқ бўлиб кетган. Текширишларнинг курсатишича, шимолий кенгликдаги ўсимликлар кўпроқ ўзгаришларга дуч келган. Тропикдаги ўсимликлар эса камроқ ўзгарган. Канада-нинг Альберта провинцияси территориясидаги бўр даври ўсимликларининг ўзгариши динозавр суюклари ётган қатламлардан 6 метр юқоридан бошланган. АҚШ-нинг Вайоминг штатида эса бу қатламнинг қалинлиги 2—3 метрни ташкил қиласди. Шундай қилиб, текширишларнинг курсатишича, сўнгги динозаврлар билан ўсимликларни ўзгара бошлиши орасидаги вақт 50—90 минг йилни ташкил қиласди. Шунинг учун Лео Хикки динозаврларнинг ҳалокатини овқат ресурслари тугаши билан боғлиқ эмас деб қарайди.

Динозаврлар тарихига қизиқиш борган сари ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда янгидан-янги маълумотлар тўпланмоқда. Бу маълумотлар динозаврларнинг бўр даври охирига келиб бутунлай қирилиб кетмаганлигини исботловчи далиллардир. Қадим замонлардан бери одамлар Гренландия, Дания, АҚШ, Бразилия, Африка қирғоқларида илонга ўхшаш баҳайбат махлуқларни кўрганлигини ҳикоя қилганлар. 1887 йили «Пайлин» пароходининг капитани, офицерлари Бразилия қирғоғида баҳайбат илонни кўрганлигини хабар қиладилар. Худди шунга ўхшаш баҳайбат махлуқни 1903 йили «Валгалла» илмий-текшириш пароходининг ходимлари Жанубий Атлантикада учратганлар. 1977 йили Янги Зеландия қирғоғида япон балиқчилари узунлиги 13 метр келадиган баҳайбат махлуқнинг ўлигини топганлар. Бундай баҳайбат ҳайвонларни Индонезиянинг Комода оролида ҳам учратишган. Эрамизнинг бошларида Ҳинд океанининг Комор ороллари атрофида бундан 100 миллион йил илгари йўқ бўлиб кетган деб ҳисобланган балиқларнинг топилиши табиатшунос олимлар динозаврлар бутунлай йўқ бўлиб кетмаган, балки динозаврларнинг бирон бир вакили ҳозирги кунда ҳам Ер ша-

рининг бирон бурчагида, кишилар назаридан четроқ жойда яшаётгандир, деган гумон ҳосил қилинди. Бу борада Шотландиядаги Лох-Несс кўлининг сири жуда қизиқарли.

Лох-Несс кўлида дам олаётган Смитлар оиласи, шу кўлда кичкина каллали, узун бўйинли махлуқни кўрганиклари тўғрисида хабар бердилар. Махлуқ бир кўрингану, кейин яна сувга шунғиган. Бу махлуқقا кишилар «Несси» деган ном беришган. Унинг расми 1934 йилда кўпгина газета ва журналларда эълон қилинган. Шундан бери «Несси» билан қизиқувчилар сони тобора кўпайиб, Лох-Несс кўлига ҳар йили маҳсус экспедициялар ташкил қилинди. Кўл электрон аппаратлар, маҳсус сув ости кемалари, ўргатилган дельфинлар ёрдамида ўрганилмоқда.

Динозаврга ухашаш баҳайбат ҳайвон Шотландиянинг Лох-Морар кўлида ҳам учратилгани ҳақида хабар қилинади. Бундай сирли тирик мавжудотлар Америка Қўшма Штатларининг Вермон штатида, Африканинг тропик қисмидаги, Ёкутистон территориясида борлиги кузатилган.

Кейинги йилларда Америка олимлари динозаврларнинг қирилиб кетганлиги тўғрисидаги тахминга ишончсизлик билан қараб, динозаврларни шу кунда ҳам яшини исботловчи далилларни қидириб топмоқда. Тошқотган динозавр тухумини туюқуш тухумига солиштириб кўрилганда бу тухумлар тузилиш жиҳатидан бир-бираидан фарқ қилмаслиги аниқланди ва туюқушлар қадимги динозаврлар авлоди деган фикрни юзага келтирди.

Ҳозирги замон «динозавр»нинг иккинчисини чикаголик биология олими Рой Мэкол 1980 йилда Конгода учратган. Конгонинг маҳаллий халқи Ликуала ботқоқлигига аллақандай махлуқни кўришган. Уларнинг ҳикоясига қараганда, номаълум махлуқнинг катталиги каркидонча бўлиб, унинг кичкина боши, узун бўйни ҳамда бақувват думи бўлган. Маҳаллий халқ бу махлуқга мокеле мбембе деб ном қўйган. Рой Мэкол маҳаллий халқга турли динозаврларнинг расмини кўрсатганда, улар мокеле мбембенинг зауроподга ўхашалигини айтдилар. Бу махлуқни кузатиш ҳозир ҳам давом этмоқда.

Машҳур Жанубий Америка овчиси Ф. Гоблер Анголага қилган сафари даврида думи ва боши қадимги динозаврларга ўхаш бўлган мавжудотни учратганини ҳикоя қиласди. Унинг ёзишича, номаълум мавжудотнинг оғирлиги тахминан 4 тонна бўлган. Маҳаллий

аҳолининг айтишича, бу мавжудот каркидонларга, филларга ҳужум қиласр экан. Қишилар номаълум мавжу-
дотиниг каркидонни үлдириб, сүякларини синдириб
гүштини еганини кўришган. Бошқа бир америкалик гео-
лог Айвен Сандерсон овчи Лепаж Конгода ов қилиб
юрган пайтида унга номаълум бир баҳайбат ҳайвон-
нинг ҳужум қилганини ҳикоя қиласди. Овчи Лепаж но-
маълум ҳайвонга қараб, ўқ узган. У эса ўқка парво қил-
май ҳужумини давом эттираверган. Лепажнинг айти-
шича, бу ҳайвон катта бўлиб, узунлиги 8 метр бўлган.
Унинг бели туяникига ўхшаш ўрқачли бўлган.

1913 йили Самбо дарёси қирғоқларини ўрганган не-
мис экспедицияси ҳисботида мокеле мбембени курган-
лиги тўғрисида маълумотлар берилган.

Шундай қилиб, Африка континентида ҳали қишилар-
га номаълум бўлган ҳайвонлар учраб туради. Америка
олими Айвен Сандерсоннинг фикрича, Ер шарида шун-
дай жойлар борки, бу жойларга ҳали одам қадами бо-
риб етмаган. Унинг ёзишича, Австралияда баҳайбат тоғ
тизмалари бўлиб, уни фақат самолётлар орқали кузати-
либ келинмоқда. Бундай жойлар Химолайдага ҳам, Мар-
казий Африкада ҳам кўплаб учрайди. Бу жойлар кос-
моснимкалар, аэрофотоснимкалар орқали аниқланмоқда,
карталарга туширилмоқда ва уларга номлар берилмоқ-
да. Аммо бу ерларга ҳали одам оёғи етиб боргани-
ча ўйқ.

Бобил харобаларини қазиш пайтида аждарҳосифат
барельф топилган бўлиб, бу ҳайвонни бобилликлар
«сирруш» деб атаганлар. Кейинги ўилларда олиб борил-
ган илмий текширишлар «сиррушни» ҳозирги кунда
Африкада учратилган мокеле мбембega ўхшашлигини
исбот қилмоқда. Бу топилмалар эҳтимол яқин орада
динозавр вакилларининг бизгача етиб келганлиги
тўғрисидаги маълумотни қўлга киритамиз ва 150 йил-
дан бери ҳайратда қолдириб келаётган жумбоқни ечиш-
га мусассар бўламиз.

* * *

*

Динозавр қолдиқлари жуда кўплаб топилган ва
топилмоқда. Бу қолдиқлар гиллар, оҳактошлар, қум-
тошлар, қумлар орасида ёки шу чўкинди тоғ жинслари
 билан аралашган ҳолда учрайди.

Динозавр қолдиқларини излаб топишида махсус би-
лимга эга бўлган мутахассислар (палеонтологлар, гео-
логлар) билан бир қаторда, тоғу тошни, чўлу адирни

тинмай кезиб юрадиган чўпонлар, овчилар ўз ўлкасининг табиати, геологик ўтмиши, қазилма бойлиги, қадимги геологик даврларда шу ўлкада яшаган тирик мавжудотлар билан қизиқувчи ўлкашунос ўқувчилар катта ёрдам кўрсатиши мумкин. Бунинг учун улар доимо кузатиш ишларини олиб боришлари керак. Кузатиш ишлари маҳсус билим асосида геологлар томонидан кўп йиллик тажрибалар натижасида юзага келган ҳамда барча районлар учун умумлаштирилган белгилар асосида олиб борилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Динозавр қолдиқларини излаб топишни осонлаштирадиган шартлардан бири динозавр қолдиқлари топилган районнинг геологияси ҳақида умумий маълумотга эга бўлишdir. Қидириш жараёнида эса тоғ жинсларининг ташқи кўринишига, таркибидаги бошқа ҳайвон қолдиқларига, шу қолдиқларининг формасига, ҳажмига эътибор бериш керак. Одатда динозавр қолдиқлари балиқ тишлари, тангачалари, тошбақа, тимсоҳ, чиғаноқ қолдиқлари, турли форма ва рангдаги фосфорит бўлаклари, темирли конкрециялар (қўнғир, қизғиш, қора рангдаги думалоқ, нонсимон, бодомсимон ичи ғовак ёки бутун тошлар), темирланган турли узунликдаги дарахт қолдиқлари билан бирга учрайди.

Бундай қатламларни ер юзасига яқин ёки юзага чиқиб қолган қисми сув, ҳаво ва бошқа ташқи муҳит таъсирида темир минералларининг оксидланиши натижасида қўнғир, сариқ рангли бўлади ва шу тоғ жинси устида, шунингдек, унинг атрофида сариқ, қўнғир унсимон модда тўпланган бўлади.

Суяқ қолдиқлари бор қатламларда ҳали парчаланиши тугалланмаган кўплаб ялтироқ, вазни оғир, сариқ рангдаги пирит доналарини учратиш мумкин. Баъзан оқ рангдаги юмшоқ, қат-қат тузилиши ва ялтироқлиги билан ажralиб турадиган гипс минерали ҳам учраши мумкин. Динозавр ва бошқа қадимги ҳайвон қолдиқларини, ўлкани ўрганиш учун маҳсус қидириув ишларини олиб бориш керак. Бунинг учун кузатиш, суяқ қолдиқларини қазиб чиқариш ва ҳисобга олиш учун зарур бўлган болға, белкурак, ён дафтар, қалам, пичноқ, қаламтарош, елим (клей), ўчириғич, рулетка, топилмаларни солиш учун халтacha ёки қофоз, рюкзак, кузатиладиган районнинг географик харитасини олиш керак. География (биология) ўқитувчилари ёки районда геологик ташкилот бўлса шу ташкилот геологлари иштирокида походга бориладиган район, маршрут йўлида учрайдин ва мезозой эрасига оид чўкинди тоғ жинсларидан

ташкил топган жойлар кўрсатилган геологик харитаси, кесими билан танишиб чиқиш керак. Қадимги ҳайвон қолдиги топилган жой ва топилган суюк қолдиқлари, из намуналарини батафсил ўрганиб чиқиш лозим. Бунинг учун текширилиши шарт бўлган майдонни бир неча теги квадратларга бўлиб ўрганиш керак.

Ҳар бир квадратдан топилган қолдиқлар ва намуна олинганинг жойнинг расмини олиш керак. Шунингдек, бу ердаги қатламларни ён дафтарга пастдан юқорига қараб ёзиб чиқиш керак. Бунда қатламларнинг қалинлиги, олингани намуналар номери, жойи, вақти, намуна олган кишининг фамилияси ва адреси ёзилиши лозим. Худди шу нарсалар ёзилган этикетка топилган қолдиқлар намунаси солинган халтacha ёки қофоз пакетда ҳам бўлиши шарт. Шу йўсинда тайёрланган қолдиқ намуналарни тегишли маҳаллий геологик қидирув ишларини олиб борувчи ташкилотларга ёки ўлкашунослик музейларига, университетларнинг геология факультетларига юбориш керак.

Ўзбекистон територияси динозавр қолдиқлари топилган чўкинди тоғ жинслар қатламларининг тарқалишига кўра тўрт регионга бўлинади. Ҳисор тизмасидаги юра даврида пайдо бўлган чўкинди тоғ жинслари биринчи регионни ташкил қиласди. Бу регионда динозавр қолдиқлари топилиши мумкин бўлган жойларга Равот, Яккабоғ, Кўҳитанг районлари киради.

Фарғона водийсида Тошкўмир, Шўрсув, Исфара районларидаги юра даври ётқизиқлари ҳамда Консой Адрасман, Наукат бўр ётқизиқлари иккинчи регионни ташкил қиласди.

Учинчи регион Тошкент чўлларида бўлиб, бу ерда динозавр қолдиқлари юқори бўр ётқизиқлари билан боғлиқ. Динозавр, балиқ, тимсоҳ, тошбақа каби қадимги ҳайвон қолдиқлари Қизилқум ва Қорақалпоғистон териториясида кенг тарқалган юқори бўр ётқизиқлари орасидан кўплаб топилган. Шу сабабдан бу ердан топилган динозавр қолдиқлари билан бир қаторда фанда номаълум бўлган динозавр ёки бошқа ҳайвон қолдиқларининг топилиши эҳтимолдан узоқ эмас.

**Баъзи геологик даврлар ва улар давом этган вақт
(млн. йил ҳисобида)**

Геологик даврлар	Давом этган вақти	Геологик булимлар	Давом эгган вақти	Яруслар	Давом этган вақти	Бошланган вақтнинг кўйи чегараси
Тўртламчи	1,6*					1,5 3,4
Неоген	23,5	Плиоцен	7,5 7,5	Апшерон Акчагил Куяльници Киммерий Понтич Мэотич Сармат Тортон Гольвет Бурдигал	1,9 1,4 0,7 1,6 1,9 1,9 3,9 3,3 2,8 4,1	7,1 9,0 5,5 7,1 9,0 10,9 14,8 18,1 20,9 25,0
Палеоген	42	Олигоцен	12	Хат Рупел Латторф Веммел Лед Лютер Ипр Танет Монт	4,0 4,8 3,2 5,9 4,4 6,1 4,6 5,3 3,7	29,0 33,8 37,0 42,9 47,3 53,4 58,0 63,3 67,0
Бўр	70	Эоцен	21	Дат Маастрихт Кампан Сантон Конъяк Турон Сеноман Альб Апт Баррем Готерив Валанжин	4,3 7,0 6,2 5,5 5,3 7,8 6,9 5,3 4,8 5,1 4,4 7,4	71,3 78,3 84,5 90,0 95,3 103,1 110,0 115,3 120,1 125,2 129,6 137,0
Юра	58	Юқори Қўйи Юқори Ўрта	43 23 16	Дат Маастрихт Кампан Сантон Конъяк Турон Сеноман Альб Апт Баррем Готерив Валанжин Титон Кимеридж Оксфорд Келловей Бат Байос Аален Тоар Домер Плинсбах	4,3 7,0 6,2 5,5 5,3 7,8 6,9 5,3 4,8 5,1 4,4 7,4 6,1 5,8 5,9 5,2 5,4 5,4 5,2 3,0 3,1 3,2	71,3 78,3 84,5 90,0 95,3 103,1 110,0 115,3 120,1 125,2 129,6 137,0 143,1 148,9 154,8 160,0 165,4 170,8 176,0 179,0 182,1 185,3